НАВРЎЗИ ОЛАМ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!

Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIY GAZETA | № 12 (4567) // 2020-yil 21-mart

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам отахон ва онахонлар, мунис опа-сингиллар, қадрли ака-укалар!

Халқимизнинг келажаги, ишончи ва таянчи бўлган навқирон ёшлар!

Авваламбор, барчангизни, кўп миллатли бутун халқимизни жонажон Ўзбекистонимизга кириб келган Наврўзи олам билан чин қалбимдан самимий табриклаб, юксак ҳурмат ва эҳтиромимни, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳаммамиз яхши биламиз, **Наврўз тинчликни, сиҳат-саломатликни қадрлаб, асраб-авайлаб яшашга даъват этади.**

Тинчлик ва соғлиқни асрасак, қолган нарсаларга албатта эришамиз. Лекин ҳозирги глобал дунёда бу жуда мураккаб вазифа бўлиб қолаётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз.

"Йил йилга ўхшамайди", деган гап бежиз айтилмаган. Ҳаёт ҳеч қачон бир текис кечмайди. Ҳаёт бор экан, синов бор, қийинчилик бор.

Бу ҳақиқатни шу кунларда янада чуқур ҳис этмоқдамиз. Бугун коронавирус инфекцияси деган жиддий бир хавфга дуч келдик. Давлатимиз, ҳукуматимиз бу хатарни тезроқ бартараф этиш учун барча зарур чораларни кўрмоқда.

Гўзал диёримизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз янада жипслашиб, ҳар томонлама тартиб-интизомни сақлаган ҳолда, юксак онглилик ва масъулият кўрсатиб, мўътабар кексаларимизнинг дуои фотиҳалари билан бу синовдан эсон-омон ўтамиз, деб ишонаман.

Вужудга келган мураккаб шароитни ҳисобга олиб, бу йилги Наврўз байрамида оммавий тадбирлар ўтказишни тўхтатдик.

Фурсатдан фойдаланиб, вазиятни тўғри тушуниб, кўрилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаётгани учун халқимизга яна бир бор раҳмат айтаман.

Насиб этса, тез орада бу ташвишли кунлар ортда қолади. Бундай сайил-томошаларни, тўю тантаналарни эл-юртимиз билан биргаликда ҳали кўп-кўп ўтказамиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Мавжуд қийинчилик ва синовларга қарамасдан, ҳаёт давом этади. Бу йил Наврўз айёми хонадонларда, оилавий давраларда кенг нишонланмоқда.

Бугун миришкор деҳқон ва фермерларимиз катта умид билан ерга уруғ қадамоқда. Ҳудуд ва минтақаларимизда **"Дарахт экиб, боғ яратамиз, юртимизни янада обод қиламиз"**, деган эзгу мақсадда миллионлаб кўчатлар экилмоқда.

Мана шу хосиятли кунда барчамиз йилимиз қутлуғ келсин, деҳқонларимизнинг бахтини, омадини берсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, деб ният қиламиз.

Узоқ-яқиндаги мамлакатлар халқларини, Ўзбекистоннинг барча хорижий дўст ва ҳамкорларини шарқона янги йил – Наврўз айёми билан қутлаб, уларга самимий истакларимизни изҳор этамиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Илоҳим, дилимиздаги барча олижаноб орзу-интилишларимиз рўёбга чиқсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Яратганнинг ўзи ҳаммамизни паноҳида асрасин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

ТУПРОҒИНҒА СИНҒАРДИМ ВАТАН!..



ВАТАН

Қўшиб бўлса умрни сувга
Тупроғингга сингардим Ватан!
Жар солардим ернинг тубига,
Қаҳ-қаҳамга бергунича тан.

Булутларга айланиб обдон,
Осмонингда яшин чақардим.
Тонг чоғлари биллур шабнамдан,
Гулшанингга сирға тақардим.

Сўнгра минсам ел қанотига,
Бўрон бўлиб учардим кўкка.
Фалакда ҳам васфингни куйлаб,
Баҳру байтга чиқардим якка!

1960

►3

ЖОНДОШ, ТАҚДИРДОШ ЭЛМИЗ

Шоир "Қуванинг аноридай", деб таърифлаган, "кафтга олиб кўтарсанг кўтаргудай" сайёрада яшаймиз. Ер, сув, ҳаво, ўрмону саҳро, тоғлару далалар бир-бирига туташиб кетган. Илдизлари битта. Бошқа қитъада эсган шамол сасининг қўшни қитъаларгача етиб келиши, Орол тубидан кўтарилаётган чангнинг Сибирдан ўтиб япон боғларигача таъсир кўрсатаётгани шу туташликнинг далолати. Инсон зоти шу чоққина заминда яратган Эгамга беадоқ шукроналар айтиб, тинч-тотув, аҳил-иноқ умргузаронлик қилиши, фарзандларини вояга етказиши, ўзидан яхши ном, эзгу амаллар қолдириши, савоб ишлари билан иймонини поклаши, иссиқ-совуқ кунларда бир-бирига дилдошу сирдош бўлиши керак.

Тақдирнинг турфа эл-элатлар, эртанги ва келажак авлодларга буюк илоҳий неъмати бу. Бундан бошқа йўл йўқ. Бир-биримизни боғлаб турган пурвиқор тоғлар, муаззам чўққилар ўрнини ўзгартириб, она дарёларнинг сувини бошқа томонга буриб бўлмайди. Эсган шамол эсаверади, оққан дарё оқмай қолмайди. Донишманд шарққа хос маданий-маърифий, миллий ва диний қадриятлар, урф-одатларни бир-биридан узоқлаштириш, неча минг йиллик анъаналарни сохталаштириш мумкин эмас. Дўстлик, биродарлик, яхши қўшничилик, меҳр-оқибат каби фазилатлар оқар сув янглиғ ўзининг қадимий ўзанини сўзсиз топиб олади, сунъий тўсиқларни ортда қолдириб, эзгулик боғлари томон ошиқаверади. Бу боғларнинг меваси шарқона янги тамаддунга, тараққиётнинг янги босқичларига асос солади.

Таассуфки, узоқ йиллар бу буюк ҳақиқатнинг юзини чанг қоплаб турди. Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Абай, Махтумқули, Чингиз Айтматов асарларида улуғланган дўстлик, қадрдонликка соя тушди. Бир-биримизни камроқ тинглайдиган, бир-биримиздан, тарихий илдизларимиздан, дунё тамаддунини ҳамон безаб турган қадриятларимиздан узоқлашаётганимизни сезмайдиган, сезсак-да, эътибор қилмайдиган бўлиб қолдик. Дўстлар дийдоридан устун бўлолмайдиган кўп нарсаларни йўқотдик. Тажрибасиз пойгачиларга ўхшаб, турфа томонларга қараб от суриб чарчамадик. Не бахтки, уч йил аввал бу ҳолат қондош ва ёндош беш давлат раҳбарларининг иродаси билан ниҳоясига етди. Беш мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида янги давр, янги уйғониш фасли бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг яхши қўшничилик, меҳр-оқибатлилик, ўзаро ишонч муҳитини яратиш, йиллар, асрлар синовидан ўтган маданий, илмий, ижтимоий-сиёсий алоқаларни қайта тиклаш, уларни янгича маъно-мазмун билан бойитиш сиёсати самараларини бугун нафақат Ўзбекистонда, қўшни мамлакатлар ҳаётида ҳам яққол кўриш мумкин.

ТЕРАН ТОМИРЛАР

►2

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Янги минг йилликнинг йигирманчи баҳори хоразмликларга хуш келди. Гап шундаки, Президентимизнинг шу йил 12-13 мартда Хоразм вилоятига сафари давомида қадимий ва навқирон воҳадаги бугунги ижтимоий-иқтисодий вазият чуқур таҳлил қилинди. Энг муҳими, вилоятни бутун мамлакатимизда кечаётган шиддатли янгиланишларга монанд равишда ривожланишнинг ойдин йўлига олиб чиқиш, бу заминнинг меҳнаткаш, фидойи халқини рози қилиш, аҳолининг ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшаши, уларга муносиб турмуш шароитларини яратиш борасидаги долзарб вазифалар белгилаб берилди.

МУНОСАБАТ

Давлатимиз раҳбарининг сафар якунида вилоят фаоллари билан ўтказган мулоқотидаги: "Биз катта-катта марраларни эгалладик, уч йилда нима қилдик, одамлар нималардан рози, нималардан норози?", "Раҳбарлар уйғонмаса, қандай қилиб буюк Хоразмийлар юртини буюк қиламиз?" деган даъватлари ҳар бир воҳадошимизнинг қалбида акс-садо берди.

Муҳтарам Президентимиз вилоятга ўтган сафарги ташрифида Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангубердининг отда ўтирган ҳолатдаги ҳайкалини барпо этиш тўғрисида фикр билдирганларида юраклар ғурурдан бир қалқиган эди. Мазкур ташриф давомида Юртбошимиз ҳайкал ўрнатиладиган майдонни ва унинг макетини кўздан кечириб тавсиялар бердилар: "Бу ҳайкалга назар ташлаганда нафақат юртдошларимиз, балки четдан келган кишиларнинг ҳам юрагига ҳаяжон тушиши керак".

►2

Дунёдаги барча давлатларнинг ўз қонун-қоидалари, талаблари, қадриятлари бор. Бирор мамлакатга баҳо берганда, унинг бир йиллик ялпи маҳсулоти доллар курсига қараб эмас, ана шу меъёрлардан келиб чиқилади.

КИТОБ ВА НОШИРЛИК

Бундай қадриятлардан бири мамлакатнинг китобхонлик даражасидир. Кўп китоб ўқийдиган халқни маънавияти бой халқ дейишади. "Тараққиётнинг умумий кўламида ҳар бир халқнинг савияси ўша халқ ўқиётган китобларнинг умумий сони билан белгиланади", деган эди француз адиби ва сиёсат арбоби Э.Лабулье.

Президентимиз ўз фаолиятининг дастлабки кезлариданоқ китобга, китобхонликка эътибори билан дунёни лол қолдирди. "Китобсиз келажак йўқ" деган гаплари шиорга айланди.

Бу борада фармойишлар, қарорлар чиқди. Беш ташаббуснинг бири китобхонликка даъват бўлди. "Маърифат карвони" лойиҳаси доирасида 3 миллиондан ортиқ китоб ҳудудларга етказиб берилди. Бу ишлар изчил давом этмоқда.

►2

БОЛАЛИГИМИЗ НАВРЎЗЛАРИ

Энам биз фарзандларининг онгига ўз айтимлари билан қадриятларимизни қадрлашни ўргатган эди. У сўзамол эди, гапга гапни улай оларди, фикри теран эди. Гўдаклигимиздан энам айтган ҳикоятлар, ривоятлар, эртаклар ва айтимлар орқали ватанини севган ҳар бир инсон билиши керак бўлган жуда кўп нарсаларни билиб улгайдик. Лекин энамнинг овози ҳеч маҳал ҳовлимиздан ташқарига чиққан эмас. Фозила бу аёл ўзи тўқиган оҳангларни тўйда ёки саҳнада айтмаган. Уларнинг тингловчиси, қадрловчиси, бошига кўтаргувчиси фақат биз болалари эдик. Гоҳо ҳовлимизнинг орқа томонидаги бедапояга шолча тўшаб, бизга доира чалиб берарди. Доирани энам бошқача, ўнг қўл бармоқларидан ташқари, кафти билан чаларди. Оғир, вазмин овоз тараларди. Биз энамнинг бошини хиёл чап томонга буриб, кўзларини юмганча доира чалишини завқ билан кузатардик.

Энам чанқовузни ҳам жуда чиройли чаларди. Оддий, мисдан ясалган создан шундай оҳанглар чиқар эдики, биз завқдан энамнинг тўрт тарафига ётиб олардик. Энам эса чанқовузни тишлари орасига олиб, чап қўли билан сознинг учини тутганча, ўнг қўли бармоқлари билан нозик симни шундай майин тортардики, ажиб бир садо янграр эди. Ўзи бу садодан маст бўларди энам.

Болалигимиз Наврўзлари завқли кечарди. Уни бизда Жилбоши, яъни Йилбоши деб атайдилар. Йилбоши арафасида қишлоқнинг барча уйларида тозалаш, саришталаш ишлари бошлаб юбориларди. Эркаклар, оиланинг ўғиллари хас-хазон қоплаган ерларни ағдарар, жўяклар олинар, дарахтлар оқланар, хотин-халаж идиш-товоқларни қум ва кулда ярақлатишар, қизлар, аёллар қўлларига хина, қошларига ўсма қўйиб созланишар эди.

Йилбоши куни ёшу қари қишлоқдаги отам раҳбарлик қилган мактаб томон ошиқар эди. Одамлар мактаб ҳовлисидаги осмон билан бўйлашган дарахтзор тагида жой ҳозирлашар, маърака қозонларда шўрва, ош пиширилари. Ёши улуғлар алоҳида давра қуришарди. Уларнинг даврасида, гарчи ёш бўлса-да, отам ҳам виқор билан ўтирар эди.

►6



ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Дарҳақиқат, чет эллик энг тажрибали мутахассислар билан ҳамкорликда яратилаётган, диёримиздаги энг баланд ёдгорликлардан бири бўладиган бу ҳайкал улуғ аждодларимизга чексиз эҳтиром тимсоли сифатида авлодларга буюк Ватанимизнинг бўйи-басти, миллатимиз ғурури, матонати, шон-шавкатидан мангу сабоқ сўйлаб туради.

Муҳтарам Президентимизнинг хоразмликларга бахш этган жуда катта қувончларидан бири – Хоразмда "Лазги" академиясини ташкил этиш ва кейинги йилдан бошлаб Хоразм санъатининг гултожи бўлган "Лазги" фестивалини халқаро миқёсда ҳар сафар вилоятнинг бир туманида ўтказиш тўғрисидаги таклифлари бўлди. Бу афсонавий куй яқинда ЮНЕСКОнинг номоддий неъматлар рўйхатига олинган эди.

Ҳа, Хоразмда ҳеч бир давра, тўй, базм, тантанаю байрам лазгисиз ўтмайди. Лазги бугун мамлакатимиздаги энг катта байрам тантаналарининг авж нуқтаси, уни Ватанимизга ташриф буюрган сайёҳларга ҳам таржима қилишнинг ҳожати йўқ, даврага тушиб кетишаверади. Лазги элларни элларга, дилларни дилларга туташтирувчи, дўстлик, меҳр, иқбол ва саодат сингари энг покиза, энг олижаноб туйғуларни пайванд қилувчи сеҳрли наво, барчага баробар шодлик, куч-ғайрат, шижоат улашувчи мўъжизавий оҳангдир.

Дарвоқе, асрлар давомида ҳеч ким бу куйга сўз боғлашга журъат этмаган. Ўзбекнинг оташнафас ҳофизи, булбулзабон Комилжон Отаниёзов илк бора уни сўз билан ижро этиб, лазгининг иккинчи умрига асос солди. Ҳозирда лазгининг тўққиз тури бор, бири биридан жозибадор, бири биридан жўшқин.

Болалигимиздан меҳримиз тушган, мурғак ва беғубор тафаккуримиз, бегард тасаввуримиз билан ҳақиқатда шундай бўлишига ишонганимиз – ўзбек халқ эртакларидаги афсонавий паҳлавонлар бир кеча ёҳуд уч ойда муҳташам саройлар, кўзни қамаштирувчи маҳобатли қасрлар бунёд этганларидек, кейинги уч йилда қад ростлаётган бино ва иншоотлар, турар жойлар салобатда, викорда кўрган кўзни ҳаваслларга чулғайдиган таълим масканлари ўша эртакларнинг ҳақиқатга айланганидан, халқимизнинг асрий орзу-интилишлари бизнинг кунларимизда рўёбга чиқаётганидан нишонадир.

Истиқлол йилларида юртдошларимиз тарихи уч минг йилларга тақаладиган, Шарқ гавҳари, очиқ осмон остидаги музей шаҳар, дея эътироф этилган қадимий Хиванинг нақшинкор ва сиру синоатли, бағрида не-не тарихларни пинҳон сақлаган, тошу тупроғининг ҳар заррасида неча-неча улуғларнинг изи, хок-туробини асраб келган Ичанқалъаси билан фахрланиб, аждодлар қўли билан бунёд бўлган бу мўъжизани дунёга кўз-кўз этиб келдилар.

Не бахтки, муҳтарам Президентимизнинг бу табаррук заминга, унинг кичкина бир гўшасида туғилиб, бутун инсоният тамаддунига бекиёс ҳисса қўшган буюк фарзандларига бўлган улкан эҳтироми туфайли бугун Дишон қалъада ҳам бунёдкорликлар амалга оширилмоқдаки, бу ўзгаришларнинг қадр-қиммати, келажакдаги асл моҳияти давр тарозусида қанчалик тош босишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бу эврилишларнинг тамал тоши давлатимиз раҳбарининг Хоразмга олдинги ташрифларида белгилаб берилган ва жуда қисқа вақтда бунёд этилган Хива вокзали ва шаҳарга келтирилган темир йўл трассаси билан қўйилган эди.

Ўтган йилнинг баҳорида Президент мактабида амалга оширилаётган бунёдкорликлар билан танишиш мақсадида Хивага бордик. Қурилиш қаерда экан, деб, шаҳарга кираверишда учраган биринчи йўловчидан йўл сўрадик. Ва мактаб бунёд этилаётган кўча бўйлаб борар эканмиз, юрагим ҳаприқа бошлади. Бор-йўғи 35 йил умр кўрса-да, мангуликка дахлдор асарлар яратиб кетган Аваз Ўтар яшаган уй кейинги манзилимиз эди. Президент мактаби эса, Аваз яшаган уйнинг ёнида бунёд этилаётган экан. Замона зайлидан ранжу машаққатлар чеккан, миллатни ҳур, элни обод, ёшларни комрон кўришни истаган Аваз:

Очинглар, миллати вайронни
обод этгуси мактаб,
Ўқусин ёшларимиз, кўнгилни
шод этгуси мактаб,

деб ёзганида, бугунги кунларни орзу этмаганмиди?..

Президент мактабининг бунёд этилиши, аввало, муҳтарам Юртбошимизнинг холис ниятлари тасдиғидир. Ташриф давомида давлатимиз раҳбари мактаб ўқувчиларининг илмга чанқоклиги, бу ердаги шароитларни кўриб, ҳақиқатда чарчоғим чиқди, жуда хурсанд бўлдим, дея эътироф этарканлар, хаёлимга яна Аваз Ўтар сатрлари қуйилиб келди:

Илму фан уйига юборинглар
болангизни,
Онда ўқиганлар бори
яктойи жаҳондур...

Айни кунларда мактабда ўқувчиларга дарс бераётган Кембриж университети профессори Найджел Блекстокнинг: "Мен ўзбек болаларининг интилишлари, инглиз тилида бемалол, эркин мулоқотга киришишларига қойил қолдим", деган сўзлари оққан дарёларнинг янги тўлқин, янги мавж билан баравж оқаётганидан нишонадир.

Хоразмлик ўғил-қизларимиздан, ота-оналардан суюнчи оладиган яна бир хушхабарни Президентимиз вилоят фаоллари билан учрашувда эътироф этдилар. Яъни Шовот туманида Муҳаммад Хоразмий номидаги математика ва физика фанларига ихтисослашган, Урганч давлат университети қошида эса аниқ фанларга ихтисослашган мактаблар очилади.

Демак, азалдан юксак илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт маскани бўлган Хоразмда бундай салмоқли бунёдкорликлар бардавом бўлади!

Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси Хоразм вилояти
бўлими раҳбари

ЖОНДОШ, ТАҚДИРДОШ ЭЛМИЗ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Тошкент халқаро аэропортидан кўтарилиб Душанбе сари парвоз қилаётган "Боинг" самолёти иллюминаторидан ҳали одам оёғи етмаган мовий музликларга, моҳир мўйқалам устаси чизган суратлар каби гўзал тоғ тизмаларига суқланиб тикилар эканман, шу мулоҳазалар кўнглимдан ўтди. Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси таклифига биноан Ўзбекистон халқ шоири, устоз Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирларда иштирок этиш учун бир гуруҳ ижодкорлар сафарга отландик. Уюшмамизнинг халқаро ижодий алоқалари бугун авж палласида. Тожикистонлик, қозоғистонлик, қирғизистонлик ҳамкасбларимиз кейинги пайтларда бир эмас, бир неча марта юртимизга келиб кетишди.

Ўзбекистонлик ижодкорлар бир неча марта Душанбе, Бишкек, Ўш, Олмаотада, Нур Султонда бўлишди. Халқимизнинг севимли адиби Мирзо Турсунзода, маърифатпарвар оқин Абай, Махтумкули, Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар ғоят мароқли ўтди. Ноширларимиз бу улуғ дарғаларнинг асарларини пешма-пеш чоп этмоқдадар. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан ота-боболаримизнинг изи қолган йўллар очилиб, сунъий тўсиқлар ўртадан олиб ташланди. "Пост"лар ўрнида дўстлик дарвозалари пайдо бўлди. Кўп вақт бир-бирларига ета олмай, тўй-маъракаларида қатнаша олмай, юраклари соғинч, алам ҳиссига тўла бир оила, бир сулола аъзолари, дўст-кадрдонлар, устоз-шогирдлар Андижонда, Ўшда, Жалолободда, Хўжандда, Косонсойда кечагина икки элни бир-биридан ажратиш учун қўйилган оғир темир тўсиқлар ўрнида сакраб-сакраб, яйраб-яйраб рақсга тушганлари, бир-бирларини бағриларига босганларини эслайсизми? Онг-шууримизга муҳрланиб қолган ўша бахтиёр лаҳзалар ёдингиздами? Ўртадаги совуқчилик тугаб, янги ёруғ кунлар, янги умид, янгича баҳор бошланаётган эди ўшанда. Буни сўз билан, кафтни кафтга ориш билан ифодалаш қийин, фақат қувончли кўз ёшларида, умрида қўл кўтариб, ўртага чиқмаган отахон-онахонларнинг шукроналик рақсларидагина кўриш мумкин эди.

Фақат қариндош-уруғ, оддий одамлар эмас, маданият ва санъат аҳли, шоиру ёзувчилар, кино ва театр арбоблари, рассомлар, ҳофизлар ҳам бир-бирларига интиқ бўлган эканлар. Мана энди, янги ҳурлик замонида ҳар бир тадбир, ҳар бир учрашув дўстлик, биродарлик, аҳил-иноқлик байрамига айланиб кетмоқда.

Душанбе шаҳридаги ҳашаматли кутубхонада ўтган илмий-адабий кечада таниқли олим Муртазо Зайниддинзода маъруза қилар экан, ўзбек-тожик адабий алоқаларининг томирлари нақадар чуқурлигини алоҳида қайд этди. Олим икки элга бирдек дўст, қадрдон, устоз мақомига эга ижодкорлар ҳақида гапирар экан, юзга яқин қалам соҳибларининг номларини санаб ўтди. Устод Айнийнинг Ғафур Ғулом уйида пиширган нишолдаси, Мирзо Турсунзоданинг ўзбек халқига бўлган меҳри-муҳаббати эсланди. Икки адабиётнинг маънавий меросига айланган шоҳ асарлар ёдга олинди. Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг "Тожик биродаримга" шеъри икки тилда янгради:

Биз икки ёндош элга,
Қариндош, қондош элга,
Жондош, имондош элга
Фарзанд бўламиз, дўстим.

Шажарада томирмиз,
Тиёншонмиз, Помирмиз,
Нечун ўздан тонурмиз,
Баланд бўламиз, дўстим.

Беруний, ибн Синога,
Жомийдек пок сиймога,
Навоийдек дахога
Дилбанд бўламиз, дўстим.

Ширу шакар азалдан,
Тотли бизга асалдан,
Бир байт каби ғазалдан
Пайванд бўламиз, дўстим...

Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Тожикистон Халқ шоири Низом Қосим, Тожикистон халқ шоирлари Сайидали Маъмур, адабиётшунос олим Масрур Абдулло машҳур ўзбек шоири, маҳоратли таржимон Эркин Воҳидов ижодининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўлқинланиб гапиришди. Талаба ёшлар ўзбек ва тожик тилларида Эркин Воҳидов ғазалларидан намуналар ўқишди. Гуруҳимиз аъзоси, шоир ва таржимон Паймон Ўзбекистон Халқ шоири Эркин Воҳидов ва Сирожиддин Саййид шеърларини тожик тилида ўқиганида, зални ҳаяжон босди. Садриддин Айний номидаги опера ва балет театри биносида ўтказилган назм ва наво кечасида, Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, таниқли шоир Ато Мирхожа "Абадий дўстлик" номли шеърини, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси Бош муҳаррири, шоир Салим Ашур сафаримиз чоғи қоғозга тушган янги шеърларини ўқиб берди:

Лутфи биру сўзи бир,
Маслаги бир, кўзи бир,
Дилу биру ўзи бир,
Ош-нони ва тузи бир –
Ўзбек билан тожикнинг.

Қўшиғи бир, куйи бир,
Фикри биру ўйи бир,
Борди-келди, тўйи бир,
Бўй-басти, ранг-рўйи бир –
Ўзбек билан тожикнинг.

Танбур, дутор – сози бир,
Жўр бўлса, овози бир,
Парвози бир, рози бир,
Аёз билан ёзи бир –
Ўзбек билан тожикнинг.

Манзили бир, йўли бир,
Ишда қотган қўли бир,
Қўй-кўзиси, тўли бир,
Гули бир, булбули бир –
Ўзбек билан тожикнинг.

Келажаги бор бўлсин,
Буюкликка ёр бўлсин,
Ҳар куни баҳор бўлсин,
Бахти барқарор бўлсин –
Ўзбек билан тожикнинг.

Шеърхонликни тожик тилида ижод қиладиган ўзбекистонлик таниқли шоир, таржимон, "Овози тожик" газетаси бўлим мудири Тўхтамиш Тўхтаев – Паймон ва ўзбек тилида ижод қиладиган тожикистонлик шоир Ҳасан Ғойиб давом эттиришди. Ўзбек ва тожик тилларида янграган қўшиқлар икки элнинг тили, дили, куй-қўшиқлари, муҳаббат изҳорларию орзу-ниятлари ҳам бир-бирига монанд, пайваста эканлигини намоён этди. "Жаҳон адабиёти", "Шарқ юлдузи", "Тафаккур", "Ёшлик" журналлари, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси мухлислари билан суҳбатларимиз мароқли кечди. Тожикистонлик ҳамкасбларимиз Тожикистон Ёзувчилар уюшмасининг нашри бўлган "Адабиёт ва санъат" газетасининг бир сонини ўзбекистонлик ижодкорларга бағишлаганларидан мамнун бўлдик.

Сафаримизнинг учинчи куни бизни Норак шаҳрига таклиф этишди. Бу ерда бунёд этилган улуғвор гидроэлектр станцияси маҳобати ва қувватига кўра дунёдаги шундай ноёб иншоотларнинг олд қаторида туради. Бу улкан қурилиш тарихига бағишланган ҳужжатларда халқлар дўстлиги, биродарлигининг мислсиз қудрати ўз ифодасини топган. Уч юз метрлик тўғон неча миллиард куб метрлик сувни тиниқтириб турибди. Ёз ойларида сув сатҳи белгиланган меъёрдан ошиб кетса, тоғ остидан ўйилган бир неча километрлик қувурлар орқали ортиқча сув пастга оқизилади.

Нурчилар шаҳарчаси кутубхонасида ўзбек адиблари Ҳамид Ғулом, Зулфия, Иброҳим Раҳим, Шухрат, Гулчеҳра Нуруллаева ва бошқа кўплаб ижодкорларнинг дастхатли китобларини кўрдик. Сафардошимиз Хуршид Воҳидов ушбу кутубхонага падари бузруквори, устоз Эркин аканинг янги китобларини совға қилди. Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси, Тожикистон Давлат Миллий университети ва миллий кутубхонага "Шарқ" нашриёт-матбаа акционерлик компаниясида, шунингдек, "Адиб ва жамият" рукнида чоп этилган кўплаб китоблар топширилди.

Душанбедан қадим Хўжанд томон парвоз қилдик. Бу ерда бизни ижодкор дўстларимиз Тожикистон Ёзувчилар уюшмасининг Сўғд вилояти бўлими раҳбари Аҳмаджон Раҳматзод бошчилигида самимий кутиб олишди, икки тилда шеъру ғазаллар ўқилди, янги китобларга режа тузилди.

Юртга қайтар эканмиз, хўжандлик биродарларимиз билан бирга Эркин Воҳидовнинг ушбу сатрларини баравар такрорладик:

Ўртамизга кўп нифоқ
Солмоқ бўлдилар, бироқ
Асли биз эт ва тирноқ
Монанд бўламиз, дўстим.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

КИТОБ ВА НОШИРЛИК

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Куни кеча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ноширлик ва матбаа соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада олиб борилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлиши баробарида, соҳа келажагини тубдан янгилаш, унинг фаолиятини бутунлай янги мезон, талаб ва ёндашувлар асосида ташкил этишни тақазо қилади.

Бу нималарда ўз ифодасини топади? Аввало, соҳа фаолиятига давлат аралашуви кескин камаяди, улар фаолиятида ишбилармонлик, тадбиркорлик муҳитига йўл очилади, давлат тасарруфидаги корхоналарни хусусийлаштириш ишлари жадаллашади. Ноширлик ва матбаа корхоналари давлат буюртмасини бажаришда нархни бозор механизмлари асосида эркин шакллантиради.

Шу йил 1 июлдан бошлаб ноширлик фаолиятини лицензиялаш учун рухсат бериш тартиби бекор қилинади (бу матбаа корхоналарига ҳам тааллуқли). Шу пайтгача бу соҳа билан шуғулланаман деган азамат белни маҳкам боғлаб, юракни кенг қилиб рухсат учун ойлар эмас, йиллар мобайнида кутарди. Энди бу ҳақда ваколатли давлат органини автоматлаштирилган ахборот тизими орқали хабардор қилиб қўйса, бас. Лекин ҳаваскор ноширлар шошмасинлар, ҳар қандай қулайликнинг ҳам жиддий масъулияти бор. Ҳар қандай шароитда ҳам чоп этилган маҳсулотга, яъни китобга, унинг мазмун-моҳияти, савиясига жавоб бериш масъулияти бор, у ўзгармайди.

Соҳадаги муҳим муаммолардан бири – ноширлар тайёрлаш масаласи ҳам қарорда четда қолмаган. Шу пайтгача ноширликка ҳеч қаерда ўқитилмасди. Филолог, журналистлар, тарихчилар, хуллас, хат-саводли одам нашриётга ишга кириб, кейин аста-секин соҳа сирларини ўрганиб оларди. Яқинда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ноширлик факультети очилди. Лекин унинг аниқ дастури, соҳага оид ўқув қўлланмалари, дарсликлар ҳали йўқ. Қарорда олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигига олий таълим муассасаларида ноширлик фаолияти соҳасидаги таълим йўналишини такомиллаштириш вазифаси қўйилгани айни муддао бўлди. Зотан, биз, ноширлар, муҳаррир, мусаҳҳиҳ, техник муҳаррир каби мутахассисларга доим муҳтожмиз.

Мактаб дарсликлари шу пайтгача нашриётларда тайёрланарди. Энди дарсликнинг бутун жараёни, молияси, муаллифлик ҳуқуқи Халқ таълими вазирлигига бериладиган бўлди.

Қарорда "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ва "Ўқитувчи" матбаа уйи давлат корхоналари ўрнатилган тартибда хусусийлаштирилиши таъкидлаб ўтилган. "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи давлат корхонасининг ноширлик базаси асосида "Чўлпон" нашриёт-матбаа ижодий уйи, "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" давлат-илмий нашриёти қўшилиб "Ўзбекистон" нашриёти давлат корхонаси ташкил этилади.

Ноширчилигимизнинг энг оғриқли нуқтаси хомашё масаласидир. Қоғоз, бўёқ, елим каби энг зарур маҳсулотлар ўзимизда ишлаб чиқарилмайди. Четдан келтирилган хомашё, табиийки, китобларимиз, газета-журналларимиз таннархининг ошиб кетишига асосий сабабдир. Қарорда бу каби хомашёларни маҳаллийлаштириш, яъни ўзимизда ишлаб чиқариш бўйича режаларнинг муддатлари аниқ белгиланган муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур соҳа эндиликда бугунги кун талаб ва эҳтиёжлари, имконият ва масъулиятларидан келиб чиқиб, янги мезон, шароит ва имкониятлар асосида ишлайди.

Аҳрор АҲМЕДОВ,
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бадиий адабиётлар таҳририяти бош муҳаррири

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

ТУПРОҒИНҒА СИНҒАРДИМ ВАТАН!..

Жайрон қўшиғи

Қаршининг чўлида кезувчи жайрон,
Жайҳун соҳилида турибди ҳайрон:
— Аввал Мажнун ила айлардим сайрон,
Қаён кетди бу кун кўҳна чўллар, ҳей!

Ўлкадан ўлкага самум кезарди,
Қуюн чарх урарди ва қум кезарди,
Танҳолик ҳасрати қалбим эзарди,
Нечоғлик бенаво дардли йўллар, ҳей.

Ғамим кўҳна эди, чекканим фарёд,
Сахро алангаси мен учун сайёд,
Дер эдим туну кун армоним зиёд,
Нечун кўз ёшимдан тўлмас кўллар, ҳей.

Келақол сен букун Лайливаш пари,
Шодон ғазал тўла Мажнун дафтари,
Қулонлар биз ёқдан чекинди нари,
Келсанг хандон урар сафсар гуллар, ҳей.

1960

Мактуб

Шўх-шўх парвоз этган қушлар,
Қулоқ солинг куйимга.
Сўнгра учиб, етинг тезда,
Менинг она уйимга.

Онагинам уйда мени,
Кутар айвон остида.
Қадамгинам теккан жойда,
Йўлгинамнинг устида.

Балки онам сиз борганда
Буғдой ёйган бўлсалар.
Сизлар унинг буғдойини
Ҳар ён сочманг, қушчалар.

Балки онам том бошига
Туршак ёйиб тушгандир.
Эй қушчалар, тегманг унга,
Илтимосим сиздандир.

Сўнмоқдадир, балки хира
Кўзларининг ёлқини.
Хаёлидан кетмас сира
Боласининг тақдири.

Саломимни элтинг, қушлар,
Шоир ўғлинг омон, денг,
Эрта-индин келиб қолар,
Соғинган кўп ёмон денг.

1960

Ўлкам

Гоҳо гулдор кўйлакда кўрдим,
Оқ шоҳига ўралдинг гоҳо.
Бир умрлик мафтунинг бўлдим,
Сен ўзингсан севганим танҳо.
Тўрт фасл ҳам либоси кўркам,
Севимли қиз кабисан, ўлкам.

1960

Юрт севгиси

Юртим, сокин ўтлоқларинг соз,
Сайҳонларинг, қумлоқларинг соз.
Ел пуркаган султон тоғларинг,
Булоқларинг, яйлоқларинг соз.

Гар дунёда ўтлоқ оз эмас
Ва танҳомас зангори тоғлар.
Лекин Ватан хар дам биттадир,
Кимгадир эл йироқ-йироқлар.

Кимгадир ҳув тоғларнинг тоши,
Йўқ, тош эмас, новвотдир, новвот!
Кимга Жўка соялари соз,
Пальма шохи кимларга қанот.

Юртим, аччиқ бир гиёҳингни,
Лазиз, деди, менинг юрагим.
Оёқларим топтаб ўтса-да,
Азиз, деди, уни юрагим.

Юрак деди: "Ватан севгисин
Дема фақат нони насибам.
Юртни севсанг бори билан сев,
Аччиғини, чучугини ҳам".

1962

Хайрли кеч

Нур чақнар балконим истиқболида
Сайргоҳ боғ узра чўкмоқда оқшом.
Гулсафсар беланди туннинг болига,
Гулзор чигирткаси излайди ором...

Гавжум майдонларга бошлар хиёбон,
Кўзим гулга кўмар эҳтиросимни.
Элдош хоналардан чақирар илҳом,
Ундан топ шеърият ихтиросини.

Шом чўкди... бошланди тунги тантана,
Шом бу — ишчи оға чиқарар ҳордиқ.
Шом бу – алласини айтаркан она,
Боғларни безайди шодлик, қийқириқ...

Кунимиз неларнинг гувоҳи бўлмас,
Ҳар бор янги нафас, гўзаллик бунёд.
Туғилган, ҳей фарзанд, кўзларингни оч!
Олим, ихтироинг кутади дунё...

Ўғилчам тортқилар: Дада, уйга кир...
Кўзимда порлайди севинч ёшларим.
Илҳомим! Қалбимга ўзинг ором бер!
— Хайрли кеч, азизлар,
ватандошларим...

1960 йил 12 май

рпрроро

* * *

Нени кўриб билдим ёруғ оламда,
Нени идрок этдим, нени тасаввур.
Сенинг хаёлингга берилган дамда
Барчаси кўринди бекор ва бенур.

Мен учун хаёлсан, ундан зиёда,
Йўқ, ўзинг билмассан аслинг, жисмингни.
Бир умр шоирлик қилиб дунёда,
Кошкийди ёзолсам ошкор исмингни.

Кимсан? Хаёлмисан?.. Йўқ, ундан зиёд...
Билолмади ҳеч ким ниҳон жисмингни.
Бир умр шоирлик қилиб одамзод,
Тополмади сенинг асл исмингни.

1962

Она тупроқ

Йўқ! Йўқ! Севишимнинг сабаби умас,
Севгимга табиат сабабчи эмас.
Сабаб бўлганда ҳам нозли гул наргиз
Сенинг бағрингдадир, ўзга элдамас.

Куйлашга ҳақлиман, севганман жондан
Ойна булоқларни... у ҳам сеники.
Тошкин дарё оқар уйим ёнидан
У бориб қуйилар кўл ҳам сеники.

Йўқ! Йўқ! Севишимнинг сабаби умас,
Севгимга табиат сабабчи эмас.
Мен учун энг буюк — ҳар бир ватандош
Кўксингга она деб қўйишади бош!

1960

Ҳой, шаббода

Ҳой, шаббода, тўхта-чи, бир дам,
Гапларимга қулоқ сол бир оз.
Қани, айт-чи, қайда тунайсан?
Нега сирли чиқариб овоз,
Чечакними? Нени куйлайсан
Ёки райҳон муаттарини?
Шошиласан қайси димоққа
Элтиш учун гуллар атрини?
Ялангларни супурасан соз,
Сўнг ўйнайсан олча гулларин.
Қиз дафтарин варақлаб шоввоз,
Тўзғитасан йигит йўлларин.
Шўхликларга тўлиб, дам ором,
Дам шўх ташвиш ортиб келасан, —
Майли,
Лекин у қизнинг, қачон —
Рўмолини тортиб кетасан?!

1960

Оқшом

Айтинг! Еллар бемаҳалда эсмасун,
Ёш ниҳоллар бошин ерга эгмасун.
Айтинг, еллар бемаҳалда эсса-да,
Тегса манга тегсун, ёра тегмасун.

Ёр кўйинда кўп довонлар ошганман,
Дарё кўрсам дарё бўлиб тошганман,
Бир парининг висолига шошганман,
Айтинг, еллар бемаҳалда эсмасун,
Тегса манга тегсун, ёра тегмасун.

Ёрки, оқшом – нозли уйқуда ҳали,
Мухлисининг васли қўркувда ҳали,
Улки ором олғучи қувда, ҳали
Айтинг, еллар бемаҳал вақт эсмасун,
Тегса манга тегсун, ёра тегмасун.

Висол дами бўрон бўлса, майлига
Ул шўхи-шан ҳайрон бўлса, майлига
Бўронларга ўргатарман, эсмангиз,
Ҳей, сиз еллар, ёр оромин бузмангиз.
Айтинг, еллар бемаҳалда эсмасун,
Тегса манга тегсун, ёра тегмасун.

1960

Севги бўлар севгингга жавоб

Янграгандек гумбазда садо...

Қадимги ҳинд шоири

Қанот боғла ҳей, лирик юрак,
Ҳиссиётлар осмонида уч!
Дилрабонинг қалбига киргил,
Олгин қайноқ лаблардан ўпич!

Қалбимсан сен, учқур лирика!
Қалб! Розингни вафо бўлиб айт.
Тингла! Гўзал қалбини ром эт!
...токи, акси садо бўлиб қайт!

1959 йил, САГУ студенти

«ШАБНАМДАЙ МАЪСУМУ КЎКЛАМ КАБИ ЁШ...»

Абдулла аканинг адабий мероси. Устоз Абдулла Ориповнинг адабий мероси... "Мерос" дейишга ҳам тил бормайди – қайси томондан келманг "адабий" жумласи "абадий"га эврилиб бораверади. Озод домланинг ибораси билан айтганда, сатрлар тирик, улар нафас оляпти, кўклам чоғи гупуриб гуллаётган найсон ниҳоллари янглиг бўй таратаяпти, ифор сочаяпти. Асл шеъриятнинг асллиги ҳам ана шу ҳаётийлиги ва ҳаётбахшилигида эмасми? Дарвоқе, Абдулла аканинг илк шеърий туркуми айнан домла Озод Шарафиддиновнинг "Оқ йўл, Абдуллажон!" сарлавҳали дил сўзлари – дуоси билан "Шарқ юлдузи" журналининг ўтган асрда, 1964 йилги бешинчи сонида босилганига ҳам, мана, салкам олтмиш йил бўлибди. Салкам олтмиш йил бўляптики, "Мен нечун севаман Ўзбекистонни", "Сен баҳорни соғинмадингми?" сингари шеърлар ўз сеҳри ва қудрати, нафосати ва садоқати билан баҳорий тароватини йўқотмай яшаб келаётир.

...Ҳанифа янгамизнинг, устознинг нуридийдаси бўлмиш суюкли ва куюнчак қизлари Рухсораойнинг далолат беришларича, Абдулла аканинг назмий сандиғида чиқарилмаган, чоп этилмаган шеърлари, кўлёзмалари ҳали талайгина. Уларнинг салмоғи, залвори жамлаб-чамалаб кўрилса агар, устознинг нашр этилиб, аллақачон халқ мулки ва миллат гурурига айланиб кетган асарлари кўлами ва миқёсидан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин экан.

Буни биз – нўноқ ва кеккайган шогирдлар, ўзига ўзи маҳлиё сўз исрофгарлари – тўрт қатор шеъримизни даъвою достон қилиб, сархуш ва сармаст, шон-шуҳрат фазоларида баланд парвозлар талаб этаётган, бир зум бўлса-да, ўз жону танамизда ўйлаб кўрдикми: Сўз нима? Сўз йўлида, сўз устида жон бермоқ нимаю шоирлик нима?.. Мўъжазгина бир тўртликда бўлса агар ўн тўққиз ё йигирматагача сўз бўлиши мумкин. Устоз шундай бир тўртликкинани ўн етти марта қайта ишлаб, ўн еттита жумласини бус-бутун ўзгартирганини қандай тимсол, қандай иқтибос билан ифодалаш керак?..

Ўша темир-бетон замонларда шунча катта шоирлар туриб, улкан адиб Абдулла Қаҳҳор нима учун айнан Абдулла Орипов ёки Эркин Воҳидовдек ёш ижодкорларнинг шеърларидан ўз ҳикояларига эпиграфлар олган?..

Митти юлдуздан ҳам миттироқ ёш шоирнинг илк китобига Миртемир домладек устоз оқинлару сўз деҳқонлари не сабабдан муҳаррирлик қилганию айнан Ойбек, Шайхзода домладек улуг зотлар бошини силаб, мақтаб-алқаганлари нима учунлигини биламизми?..

Салкам адабиётнинг тоғлари саналмиш бу аллома адиблар ижарама-ижара яшаб юрган ёшгина йигитчага Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлмоғи учун меҳр ва ҳафсала билан тавсияномалар ёзиб берган, қўллаб-қувватлаган...

Азиз ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётган шеърлар туркуми Абдулла аканинг асосан ўсмирлик чоғлари, талабалик палласи – ўн етти, ўн саккиз, ўн тўққиз, йигирма-йигирма бир ёшларда ёзган, ёзиб сандиққа ташлаган қўлёзмаларидан тартиб берилди. Уларда бурунги ва бугунги адабий жараён ихлосмандлари, айниқса, катта адабиёт остонасида мўралаб турган ёш ижодкорлар учун талай ибратлар, ўрганса арзийдиган сўз жилолари, меҳр ва садоқат, қалб ва руҳ иқтибослари мавжуд.

Туркумдаги "Танқидчига" номли шеър ҳам бугунги муҳаррир-мунаққидлар учун фойдадан холи бўлмас, деган умидворлик билан шу кунгача етиб келибдими, демак устоз ҳам уни бекорга қоғозга тушириб, сандиққа ташлаб қўймаган бўлсалар керак.

Абдулла аканинг Ҳамид Олимжон ижодига меҳри ҳам, ихлоси ҳам бўлакча эди. Адабиётда мактаб яратган шоирлар унчалик кўп эмас, Ҳамид Олимжон эса мактаб яратган шоир, буни билиб қўйинглар, дер эди. "Шабнамдай маъсуму кўклам каби ёш" сатрини ҳам Ҳамид Олимжонга бағишлаб айтган эди. Азиз устозимизнинг мана шундай тоза ва муаттар шеърларини севимли газетамизга тақдим этар эканмиз, уларни кўзга суртиб, суйиб-эъзозлаб бизга еткизган Рухсораойга, Рухсора Ориповага кўпсонли шеърият мухлислари номидан чин дилдан миннатдорлик билдирамиз. Наврўзингиз, шеър ва сурур айёмингиз муборак бўлсин!

Сирожиддин САЙЙИД

Ой

Болаларга

Оппоқ шуъла, пар шуъла,
Ойдан оқар зар шуъла.
Йўқ шуъламас, шуъламас,
Бу менинг туйғум...

Тиним билмас мен каби,
Йўлин билмас мен каби,
Нурин тиймас мен каби,
Билмайин қайғу...

Кулди-ку, қора булут,
Ой қани? Қара, булут?!
Эй бағри қора булут,
Дўстимни бергил.

Бергил, бергил... ой беҳол
Чиқди, бироқ, хафаҳол.
Эй бечора, тушақол
Ёнимга тушгил...

Тушгил, бунда булутлар
Дайдиб кезмайди.
Бунда қара ғам, андуҳ
Бағринг эзмайди.

1962 йил 1 декабрь

Худди ўзинг

Ҳазил

Мен унга кўпдандир бўлгандим хуштор,
Тун-кун хаёлимдан кетмас эди у.
Секин гап отардим, учрашгач дарҳол,
Севиб қолганимни сезмас эди у.
Мана ўтирибмиз дастгоҳ ёнида,
Яна сўз бошладим севгидан, ишқдан...
— Висол ширин дейди, тўғрими шу гап?
— Севганингиз борми? - сўради бирдан.
— Ҳа, ҳа, севганим бор, хипча бел, жонон,
Шаҳло кўз, келишган, нақд сизга ўхшаш.
"Худди ўзинг дегин" — қистар эди қалб,
— У ҳам худди сиздек хушчақчақ, дилкаш.
— Қайси маҳалладан? Шунданми? Ким у?
Айт, айт, деб тирнаркан
"ўзинг" кўнглимни.
Оғиз жуфтладиму қотдим ҳайратда!
— Севган бўлманг тағин
қайнсинглимни?

1960

Мен ёмон кўраман

Мен ёмон кўраман қўпол одамларни,
Қўполлар ёқмайди менинг дилимга.
Мақтанчоқ, олифта, такаббур... бари,
Майда золим бўлиб кўринар менга.

Мана ёнимдаги ёш бир йигитча,
Бўшаган папирос қутисин тепди.
Курсидан тураркан, хуштак чалдию,
Гердайиб қўлини чўнтакка тиқди.

Мен ёмон кўраман хуштак чалганларни,
Тентиб кетаётган, эй тенгдош дўстим,
Аниқ ишонаман бошқа замонда
Шилиб олишарди, албатта, пўстинг.
Чунки сен кўполсан...

Мен ёмон кўраман қўпол одамларни,
Гарчанд у бир гуноҳ қилмаса-да, гар
Аммо унинг сўзи, ҳаракатида,
Золимликнинг асоси бўлар.

Мен ёмон кўраман қўпол одамларни,
Мана айтиб берай, бир ўқитувчим
Ҳуркитмас, ҳаттоки бойўғлини ҳам,
Кўринишдан шундоқ беозору жим!

Аммо ўзи етук жаноб бир зиқна,
Такаббур - бу, демак, яширин золим.
Аклдан гап сотди кеча у дарсда,
Жавобсиз қолдирди бугун саломим.

Бундоқ фактлар кўпдир дунёда, майли,
Дўстлар, бас қилайлик майда гапларни.
Менга алам қилар, бироқ шу зайли,
Тез-тез учратаман бундай зотларни.

Гарчанд бир-бирига ўхшамас улар,
Аммо хислатларин жамласанг бирга.
Хаёлда жам бўлар, қаршимда шу зум
Кўзим тушар, ҳайҳот, золим-қонхўрга.

Балки, ул одамлар эҳтимол оқдир,
Балки, ўзларини яхши деб билар.
Балки, гапларимни тинглаб, шул замон
Ким билсин, менинг ҳам устимдан қулар.

Қайдам, ёмондирман, балки ўзим ҳам,
Ҳар ҳолда яхшилар кўпдир дунёда...
Ана, кўрдингизми анов капалак,
Нақадар беозор, нақадар содда...

1963

Қор

Бутун борлиқ қиш нафасида,
Паға-паға ёғаётир қор.
Япроқчалар момиқ либосда,
Ер, кўк оппоқ, ажиб беғубор.

Ўзга чирой касб этган ўлка,
Юракларда оламча севинч.
Меҳнат – шараф аталган элда
Эзгу умид топади қониш.

Қандай яхши! Ёғаётир қор,
Қандай яхши завққа йўл очса!
Меҳнатсевар халқим бошидан
Арзир шунча марварид сочса.

1958 йил, 1-курс

Танқидчига

Яна танқидчининг ҳузуридаман,
Яна ўша сўзлар, такрор, ҳар кунги...
"Шеърларингиз заиф, ижодингиз ғўр,
Кўпроқ ўқинг, ука, ўрток Пушкинни".

Икки, уч... бор келдим, ҳамон ўша сўз,
Ҳатто ёдлаб олдим "ўрток Пушкинни".
Кўзойнагин секин кўтариб, дер у:
"Кўпроқ ўқинг, ахир, ўрток Пушкинни"

Ниҳоят, тоқатим тоқ бўлиб, бир кун
Пушкин шеърларидан тутқиздим бирин.
"Аттанг, — дейди менга, —
шеърингиз кўп хом,
Ўрганиш керак, — дер —
Пушкиннинг сирин".

1960, САГУ студенти

Кечир, планета

Кечир, планета...
Шундай кун келади, у кунда жўшиб,
Инсонлар айтарлар шундайин қўшиқ:
"Кечир, тупроқ!
Кечир, планета,
Кечир, одамзоднинг қадим макони,
Бегуноҳлар зори эмасдир озроқ,
Сенда кўп тўкилмиш боболар қони.
...Инсонлар урушга бердилар барҳам,
Кечир, бевақт сўнган гулларинг бўлса,
Кечир, эй сахий, соф осмон ҳам,
Бағрингда снаряд парчаси бўлса,
Кечир, планета".
Шундай кун келади,
Инсонлар жўшиб,
У кунда айтарлар шундайин қўшиқ.

1961 йил, март

БЕДОР РУҲ МАНЗАРАЛАРИ

Бундан роппа-роса ўттиз беш йил муқаддам эндигина элликни қоралаган Эркин Самандар умрининг қирқ йили "Сўз танлаш, сўз излаш ва сўз топиш, соз тинглаш, соз ахтариш билан ўтгани" ҳақида ҳаяжон ва ийманиш билан кўнглини очганди. Бинобарин, асл ижодкор илгари ўзига нотаниш бўлган сўз маъзини чақаркан, оҳорли сўзнинг нодир жилваларидан туйган ҳайратларини оқ қоғозга қалдиргочдай тизиб, аввалгидек, ўз руҳияти, қоларверса, китобхон кўнглига ёқимли, сеҳркор оҳанглар индириб, гўзалликни кашф этганидан маънавий лаззат олиши табиий.

Эркин Самандар бир ўринда: "Шеърнинг етилиши — бу қалбнинг, юракнинг етилишидир" деб ёзади. Дарҳақиқат, ёмбидек сўз қидириш ва сўзга эргашиш кўнгил таваллудига боғлиқ тарзда ҳар кимда ҳар хил ёшда бошланади. Одатда, чинакам истеъдод куртаклари оналаримиз латиф овозда куйлаган аллалар ва бувиларимиз сўзлаган сирли-сеҳрли эртаклардан бошланади.

Шунинг учун ҳар бир ижодкор болалик чоғларида кўнгил оламига муҳрланган латофат ва нафосатни қайта тиклаш ва одамларга юқтириш тилагида бутун умр қалам суради. Чамаси сўз ритми ва мазмуни ёзувчи ёхуд шоир битмасидан анча илгари оналар кўнглида, момолар тилагида туғилса керак.

Э.Самандар қўшиқ, кенг маънода шеърнинг яралиши ҳақида тўхталиб: "Менингча, қўшиқ юрак ёнганда туғилади. Дил-диддан ўт-олов бўлиб отилиб чиккан қўшиккина тингловчига манзур бўлади...

Ҳар бир шоир она ер ҳақидаги ўз қўшиғини умрбод ёзади, деб ўйлайман. Ватан гўзалликларини мадҳ этишнинг ўзи етмайди, албатта. Юртнинг қалбига қулоқ тутган киши унинг юрагидаги ларзаларни, ўтли туғёнларни, ҳазин садоларни ҳам эшитиши табиийки, шундан ҳушёр тортишнинг, шундан ўртанишнинг, шундан ёнишнинг, ҳайқиришнинг ўзи одамни шоирга айлантиради", деганида тўла ҳақлидир.

Шубҳасиз, бир мақола доирасида Э.Самандарнинг йигирмадан ортиқ шеърий тўпламлари, юздан ортиқ қўшиклари, шунингдек, "Дарёсини йўқотган қирғоқ" романи, "Тангри қудуғи", "Қудуқ тубидан садолар" дилогияси, "Жавоҳир", "Аждодлар қиличи", "Арабмуҳаммадхон", "Дилда борим" каби тарихий драма, мусиқали драма, мусиқали комедия жанрларига мансуб асарлари, ўнлаб ҳужжатли-публицистик фильмлари тўғрисида батафсил тўхталишнинг имкони йўқ.

Таъкидлаш ўринлики, "Аму жилолари" номли илк тўпламидан бошланган ижодий парвоз муаллифни наинки таниқли шоир, балки романнавис ва драматург сифатида ҳам элга танитди. Эркин Самандарнинг 2015 йилда чоп этилган "Сайланма"сидан шоир битикларининг чин нафосатга дахлдор сара намуналари ўрин олган. Сайланманинг "Назм нафаси" номли илк жилдида шоирнинг ғазал, рубоий, туюқ сингари жанрларда ёзган шеър ва қўшиклари, саккизликлари билан бир каторда "Эрк садолари" достони, "Жалолиддин Мангуберди ёхуд аждодлар қиличи" шеърий драмаси ҳам ўрин олган. "Эрк садолари" достони 1983-1984 йилларда ёзилган бўлса-да, ҳикматли мазмуни, равон ифодаси билан бугун ҳам эътиборимизни тортади.

Китобда шоирнинг Эжен Потье, Марсела Дельрастр (Франция), А.С.Пушкин, Аркадий Каникин (Россия), Гулрухсор Сафиева (Тожикистон) каби шоирлар асарларидан таржималари ҳам берилган.

Ушбу китобда ончалик урфга кирмаган бир ҳолатга ҳам дуч келамиз. Чунки одатда сайланмаларда бир муаллифга тегишли асарлар эълон қилиниб келинган бўлса, бу гал ноширлар Э.Самандар қаламига мансуб "Қуюн излари ёхуд Огаҳий" тарихий романида онамастик бирликларнинг қўлланиши ҳақидаги монографик тадқиқотни (профессор Бекмурод Йўлдошев, ўқитувчи Холида Бўронова) ҳам эълон қилишган. Бадиий тил бойликларига хос маъно кирралари, оҳанги, "ранги", "таъми", "ифори"ни ҳис қилиш ва ифодага кўчириш маҳорати ўрганилган мазкур тадқиқот бадиий тилнинг нутқ услубияти масалалари тадқиқ этилгани билан алоҳида қиммат касб этади.

Қадимий ва замонавий шаҳарсозлигимиз, тарих ҳамда бугунги бунёдкорликнинг гўзал тарзда уйғунлашган тасвирларию нақшинкор безаклар "Мен шу эл фарзандиман" китобига алоҳида файз бағишлаб, асарнинг бош ғоясини очишга хизмат қилган. Китобнинг яна бир гўзал фазилати ундан халқимиз севимли қўшиқларидан бирига айланганига қирқ тўққиз йил бўлган "Хоразм фарзандиман" қасидасининг тўла матни, яратилиш тарихи, Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов басталаган куй нотаси ва ижро этган қўшиқнинг ўрин олганидир.

Республикамизда янгича шакл-шамойилда илк бор нашр этилган бу асарнинг ўзбек (кирилл ва лотин имлосида) ва инглиз тилларида берилиши ҳам ўқувчилар аудиториясини кенг қамраб олиши жиҳатидан аҳамиятлидир.

"Мен шу эл фарзандиман" китобидан Эркин Самандар ва Тошпўлат Ҳамид қаламига мансуб "Хоразму Бухоро" қасидаси ҳам ўрин олган. Аввалгидек, бу шеър икки шоир шахсияти ҳақидаги тасаввуримизни янада кенгайтиради. Бадиий асар биографиясининг муаллиф тилидан қилинган баёни эса, ўзига хос қимматга молик. Азалий халқона дўстлик, биродарлик ҳисларининг мадҳи китобхон ва тингловчи қалбига юксак туйғулар, покиза кечинмалар олиб киради. Айтиш мумкинки, бу қасида ижодий мушоира жанрининг ноёб намунаси бўлиш баробарида, бутун юртимиз тарихи, элимизнинг некбин сабр-қаноти, мустаҳкам эътиқод-маслаги ҳақида битилган.

Дарҳақиқат, асл шоир учун ўз кўнглининг пинҳоний талпинишлари, яширин тилаклари изҳорига мутаносиб сўз излаш, ноёб топилдиғини ийманибгина ўнлаб юракларга пешкаш қилиш, уларнинг қалбларидаги кўрни оловлантиришдан улуғроқ заҳмат ҳам, лаззат ҳам йўқ. Илло, ғалвирни сувдан кўтаргувчи бош ҳакам – вақт сарҳисоби қошида уялмаслик айнан бугунги аъмолимизга боғлиқ. Бу жиҳатдан, Эркин Самандарнинг олтмиш йилдан ортиқ муддатдаги сермаҳсул ижодий изланишлари, қизғин ижтимоий-маърифий фаолияти кўпчиликка ўрнак бўлишга арзигулиқдир.

Исломжон ЁҚУБОВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, филология фанлари доктори

Бундай илмий муаммо қадимда яшаб ўтган шахсларга нисбатан қўйиларди, аслида. Лекин, афсуски, яқин ўтмишда ўтган ва бугун тенгдошлари ҳали ҳаёт бўлган бир ижодкорнинг туғилган йили устида баҳс очишга тўғри келмоқда. Буни муаммо сифатида кўтариш кимгадир эриш туюлар, эҳтимол. Лекин илм аниқликни хуш кўради. Илмнинг мана шу талабидан келиб чиқиб, ушбу масалага ойдинлик киритишни лозим топдик.

РАУФ ПАРФИ ҚАЧОН ТУҒИЛГАН?

Рауф Парфи илк маротаба "Тасвир" (1973) китобига киритган "Энг узоқ ёзилган таржимаи ҳолим" шеърида "Таваллудим: 40..." деган эди. Орадан ўн саккиз йил ўтиб – 1991 йили ("Ёшлик", 9-сон) қайта нашр этилган ушбу шеърни: "Таваллудим: қирқ уч, мезоннинг йигирма еттиси..." деб ўзгартирди шоир. Айнан шу журналнинг 1993 йил 1-сонида босилган "Таржимаи ҳолим"да эса яна шу сана такрорланади. Хўш, бу "янгилик" каердан пайдо бўлди? Бунинг асоси борми? Бу ҳақда Рауф Парфи ёзувчи Набижон Боқий билан суҳбатида шундай дейди: "Яқин ўтмишда, яъни – биз тенгилар туғилган замонлар "ит эгасини, мушук боласини танимаган" замонлар эди. Бировнинг туғилиши, бировнинг ўлиши билан ҳеч кимнинг иши бўлмаган, ҳаттоки, биз тарафларда метрика олиш ҳам ҳали расм бўлмаган экан. Катта бўлганимиздан кейин кўнглимизга келган йилни айтиб юраверганмиз. Кейинчалик Ҳамроқул Турсунқуловнинг котиби Ҳамид Азимбоевда бир дафтар бор экан, бу дафтар хўжалик дафтари бўлиб, барча жамоанинг ҳар бир аъзоси, уларнинг фарзандлари тўғрисида маълумот бор экан. Ўша дафтарда Турсунали Парпибой ўғли Мадаминов 1943 йил 27 сентябрда туғилган, деб ёзилган. Ҳамид отанинг айтишича, шу сана тўғри эмиш" ("Тошкент ҳақиқати", 1995, 29 март). Кўринадики, Рауф Парфи айнан мана шу маълумотга асосан ўзининг туғилган йилини ўзгартирган. Лекин "шу сана тўғри эмиш" сўзларига қараганда, шоир бунга ҳам иштибоҳ билан қарагани аён бўлади. Ушбу манбанинг мавжудлигига шоир билан бир қишлоқда туғилиб, вояга етган дўсти Абдурауф Водилий (шоир Абдураҳмон Водилийнинг ўғли) ҳам ишонмайди. Суҳбатларимиздан бирида у: "Ҳамид Азимбоев 60 йилларда дунёдан ўтиб кетган. Ҳозир, ҳатто 90 йиллар бошидаги колхозга оид ҳужжатларни тополмаяпмиз-ку?! У дафтарнинг борлигига мен ишонмайман", дейди. Савол туғилади: Хўш, Рауф Парфи нега таваллуд санасини 1940 дан 1943 га ўзгартирди? Бунинг бирор сабаби борми? Билмадик, ҳар ҳолда бу сирни Рауф Парфи ўзи билан олиб кетганга ўхшайди...

ТАДҚИҚОТ

Шоирнинг туғилиш санаси ёзилган баъзи ҳужжатлар ҳам йўқ эмас. Рауф Парфи ҳаётининг сўнгги йилларида у билан истиқомат қилган Сулҳида Жалилова қўлида шоирга тегишли иккита ҳужжат – туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ва паспортидан ксеронусха сақланиб қолган.

Гувоҳнома, афсуски, дубликат бўлиб, унда "такрорий" ёзувли муҳр турибди. Ҳужжат Янгийўл тумани ЗАГСидан 1955 йилнинг 15 сентябрида, яъни гувоҳномага кўра, шоирнинг 16 ёшлигида берилган. Унга кўра, Парпиев Турсунали 1939 йилнинг 15 майида туғилган. Бу ҳужжат ҳам, бизнингча, шоирнинг ўзи айтмоқчи: "ит эгасини, мушук боласини танимаган замонлар"нинг "маҳсули" эдики, ундаги сана ҳам шубҳадан холи эмас.

Паспорт ҳам биз кутган паспортмас, Ташқи ишлар вазирлиги томонидан хорижга чиқиш учун берилган ҳужжат. 1992 йилда берилган ушбу паспортда шоирнинг таваллуд санаси "29. 09. 1939" шаклида кўрсатилган. Бу сана ҳам ҳақиқий паспортдан кўчирилмаган бўлса керакки, туғилган ой ва кундаги ҳар хиллик ҳам шундай фикрга келишимизга сабаб бўлади.

Бизнингча, бу масалада таваллудидан бир неча йиллар ўтиб, бировлар томонидан ёзилган ҳужжатларга эмас, Рауф Парфининг ўз сўзларига суянсак, тўғрироқ бўлар эди. Шоирнинг бир қатор шеърлари унинг туғилган санасини аниқлашимизга ёрдам беради. Мана, шулардан баъзилари.

Ўн саккиз ёш – парча ҳаёт.
Варақланар ўн саккиз ёш
Бир китоб сингари бошдан.

Афсусларга ким берар дош,
Ўн саккиз минг хаёл бошда,
Кўзларимда ўн саккиз ёш.
Ўн саккиз ёш – парча ҳаёт...

Шеър бор-йўғи мана шу етти мисрадан иборат. Шу етти мисрада "ўн саккиз ёш" жумласи тўрт марта такрорланган. Кўриниб турибдики, бу рақам шоирнинг ёши билан боғлиқ. Шеър тагида эса "1958" санаси қўйилган.

Ҳалиги йигирматадан биринчиси ҳисобланган дафтарнинг 6-бетида эса шундай муҳим бир шеърга дуч келамиз: "Келажагим ўйлайман, / Етти синф битирдим-ку. / Хаёлларга ботаман... / Дирижёрлик яхши-ку..." Уч банддан иборат ушбу шеърнинг ёзилиш санаси кўрсатилмаган. Ундан кейинги "Қўлга олиб рубобни..." тўртлиги остида эса "15. 04. 55" санаси қўйилган. Демак, "Келажагим ўйлайман..." деб бошланган шеър ҳам 1955 йилда ёзилган. Маълум бўладики, қалби келажак орзуларига тўла Турсунали шу йили "етти синф битир"ган. Бу унинг 1948 йили – саккиз ёшида мактаб борганига гувоҳлик беради. Агар у 1943 йил туғилганда эди, саккиз эмас, беш ёшида мактаб борган бўлар эди. Ота-онанинг якка-ёлғизи бўлган Турсуналининг беш ёшда мактаб бориши эса ҳеч бир мантиққа сиғмайди.

Хуллас, шоирнинг ўз сўзларига қулоқ тутадиган бўлсак, унинг туғилган санаси 1940 йил эканлиги маълум бўлади.

Наим КАРИМОВ,
академик.
Олим ОЛТИНБЕК,
филология фанлари номзоди

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг ижодини яқиндан билганлар ушбу ҳикояга кўзи тушиши биланоқ саволлар туғилиши табиий. Чунки адибнинг "Ўзбек бобо" номли ҳикояси "Сайланма"нинг учинчи жилдига киритилган катта ҳажмдаги ҳикоя бўлиб, уни дадам 2002 йилнинг охирларида ёзишни бошлаб, 2003 йилда битирган эди.

Энди газетхонлар эътиборига ҳавола этилаётган "Ўзбек бобо" ҳикояси ҳақида. 2002 йили газеталарнинг биридан мухбир қўнгироқ қилиб, дадамдан янги ёзилган ҳикояси бўлса, чоп этиш учун беришни сўраган. Дадам ҳозир "От йили" номли қиссасини ёзаётганини айтиб, гўшакни қўйган. Лекин дадам доим бир пайтнинг ўзида бир нечта ижодий иш билан банд бўларди. Шу қўнгироқ сабаб бўлиб, ёзишни мўлжаллаб юрган "Ўзбек бобо" ҳикоясининг мухтасар намунасини бир ўтиришда қоғозга туширганди. Бироқ мухбирнинг яна қўнгироқ қилишга ҳадди сигмадими, хижолат тортдими ёки аниқ жавоб ололмаганиданми, хуллас, ушбу кичик ҳикоя ёзувчининг столида қолиб кетди.

Бир оз вақт ўтгач, дадам 192 бетдан иборат "Ўзбек бобо"ни ёзишни бошлади. "От йили" қиссаси "Гулистон" журналида, "Ўзбек бобо" ҳикояси "Қишлоқ ҳаёти" газетасида кетма-кет чоп этилди.

Газетхонларга тақдим этилаётган "Ўзбек бобо" ҳикоясининг чоп этилиши, йиллар ўтиб, бугунги кунларга насиб қилган экан. Ушбу ҳикояни атоқли адиб – Шукур Холмирзаев таваллудининг 80 йиллиги олдидан туҳфа сифатида қабул қиласизлар, деган умиддамиз.

Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА,
филология фанлари номзоди, доцент

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

ЎЗБЕК БОБО

ҲИКОЯ

...Ҳикоя айтиш навбати менга етган бўлса, мен бир воқеани айтиб бераман. У ҳақда сизлар оз-моз эшитгансизлар... Полвон бобонинг нима бўлиб оламдан ўтганини биласизларми? Ааа, балли, нимадир босиб қолган. Томми у, деворми у... Билмайсизлар.

Мен биламан. У воқеа кўз олдимда содир бўлди. Ўзларингга маълумки, мен шаҳар марказидан боғча харид қилдим. Бир ҳисобда у боғнинг ҳам Ўзбек бобога алоқаси бор эди. Нима? Ҳе, у кишининг асли исмлари Амиркул полвон эди. Полвон бўлгандаям эгарлоғлик отни орқалаб кўтариб, ҳув ундай жойларга оборий қўйган. Елкаси эгарга тегмаган... Хуллас, боғчам яхши, обод-у, лекин бир бурчақда бир қари терак бор эди. Ҳе, ибтидоий замонлардан қолган. Қуриб-қақшаб кетган. Пўстлоғи кўчиб тушган жойларидан майда талқондек кукуни кўриниб турарди.

Бир оқшом — ҳа, бултур кўкламда — қаттиқ шамол бўлиб, терак ўлгур соллана бошлади. Қаёққа йиқилсаям бир қанот деворнинг бошига етади. Хайрият, довул тинди. Аммо эрталаб яна бошланди. Мен Полвон бобонинг уйига чопдим. Шундай-шундай, бобожон, дедим. Чолнинг ғайрати бор, чопонни елкасига ташлаб, менга ҳамроҳ бўлди. Боғчага келдик. Чол теракни хўб айланиб кўрди. Қимирлатиб кўрди. Кейин, назаримда, қаёққа йиқилса, зиёни камроқ бўлишини тасмоллади. Ана ундан кейин: "Бор, Розиқ ўғри билан ўғли Эртойди чақириб ке. Кўпайлашмасак, буни эплолмаймиз", деди.

Мен зинғиллаб бориб, чол айтган кишиларни чақириб келдим. Улар ҳам теракни айланиб кўришиб, жуда хавфли эканини айтишди. Шунда Полвон бобо менга: "Арқон опке, арғамчи обке", дедилар. Тушундим. Айтганларини обкелдим.

— Эртой улим, арқонни белга боғланг, — деди Полвон бобо. — Секин ўрмалаб теракка чиқасиз. Чиқолган жойингизгача. Хўпми? Кейин арқоннинг бир учини теракка ўраб, маҳкам қилиб боғлайсиз. Шу. Қўрқманг. Қароқчининг ўғли қўрқоқ бўлмайди.

Эртой бу гаплардан илҳомланиб, арқоннинг бир учини белига боғлади-да, теракка тирмаша кетди. Ўзбек бобо ўғри жўрасини чақириб, мениям чақириб: "Теракни суяб турайлик. Ўзи зўрға турибди", деди. Теракни уч тарафдан суяб турдик. Эртой дарахтнинг учига чиқиб, Полвон бобо айтган ишни қилиб тушди.

Энди денг, узун арқонни бу ёғи бедапояда илонга ўхшаб чуваланиб ётибди. Биз учовлон уни қаёққа каратиб тортиш ҳақида бош қотира бошладик.

Охири чолнинг фикр-режаси ҳаммага маъқул тушди. Ҳовли боғ тўртбурчак. Қўргансизлар... Ана шу тўртбурчакнинг қарама-қарши, перпендикуляр бурчагига қараб тортадиган бўлдик. Яъни теракни тортиб йиқитадиган бўлдик.

Ҳақиқатан ҳам теракнинг учи нари бурчакдаги ертандирга етиб-етмай ётиши мумкин эди.

Хуллас, уйдагиларни бу ёққа чиқариб, теракни торта бошладик. Унинг таги ҳам чириб, ҳалигиндай кукунга айланган эмасмиди — дарров қимирлаб, ўша ёққа йиқиладигандек бўлаверди.

Ана шунда хоҳ ишонинглар, хоҳ ишонманглар, шамол туриб қолса бўладими!

Увиллаб эсади ҳароми! Додлаб-бўкириб, қандайдир куч-қудратга қаршилик қилмоқчию...

Хўп-хўп, бўларини айтаман.

Хуллас, терак оға бошлади. Ҳаммамиз бедапоя адоғидаги наъматаклар қошидамиз. Эҳтиёт бўлиб тортаяпмиз. Қочиб қолишгаям тап-тайёрмиз.

Терак қуюлиб кела бошлади. Шунда унинг ердаги охирги илинжи узилди дейман, "карс" этиб кетдию биз беихтиёр ҳар тарафга қочдик. Аммо шамол-довул аксинча — теракнинг тезроқ йиқилишига кўмак бермоқчидек яна хуруж қила бошлади. Ва, ва...

...терак ўлгур биз мўлжаллаган йўлдан оғиб, шамолнинг зўри билан хиёл чапга бурилди-да, ўзига бемалол майдон топгандай бўлиб, майиша-эгила бошлади. Шунда биз яна арқонга ёпишиб, уни тўғрилашга ҳаракат қила кетдик. Бақирамиз-чақирамиз негадир... Шу олатасирда Ўзбек бобонинг наъматакларидан сал берига бориб қолганига эътибор қилмаган эканмиз. Бир маҳал Розиқ ўғриям, Эртой ҳам чинқириб юборишди:

— Полвон, қочинг! Полвон бобо, устингизга тушади!

Полвон бобо эса наъматаклар ёнида худди қанотларини ёзиб, полапонларига соя солиб турган турнадай — қўлларини ёнига керганча энгашиброқ турар, чопони ўнгирлари очилиб кетган, ўлай агар, қанотга ўхшар эди.

У нимага соя соляпти? Нимани ҳимоя қилмоқчи? Ҳеч кимнинг ақли етмас, фақат бақирар эдик. Терак эса бало-казодай бўлиб, нақ полвон бобонинг устига якинлашиб келмоқда эди.

Оқибат, чолнинг ўнг елкасига урилди. Чолимиз букчайиб-ўтириб қолди. Теракнинг кучи қайтган эди — деворга суяниб тўхтади.

Биз Полвон бобога қараб югурдик. Чол энди ростмана ўтирар, қилар ишни қилиб бўлган терак у кишидан ярим қаричлар баландда қолган, демак, чол чўккан эди.

У кишини туртиб-пуртиб бу ёққа олмоқчи бўлгандек, кўз қараши билан "ундай қилманглар", дегандай бўлди. Кейин эса, шундоқ букилган буталар орасидан ярим газлар кўтарилиб турган ингичка, энди барг чиқара бошлаган новдага кўзим тушди. Чол бултур шу ерда ўсиб турган нокни кесиб, унга пайванд қилгани ношватининг новдаси кўтарилиб турарди.

Бирдан йиғлаб юборибман денг. Боғимда ношвати йўклигини — ҳа, тумандаям уч-тўрт боғда бўлса бордир – ношвати пайванд қилиб беришларини илтимос қилиб юрардим. Охири тоғдан қайтишда шуни пайванд қилиб кетган эдилар. Тағин: "Молга едирма, эҳтиёт бўл", деб тайинлаган ҳам эдилар. Мен аҳмоқнинг эса эсимдан чиқиб кетган эди бу... Қаранг, чолнинг хотирасида турган экан: жойи ҳам. Ана, уни бало-казодан ҳимоя қиламан, деб бу алфозда ўтирибди...

Ҳа, ўнг елкаси синиб кетган, ичи... ичиям тўкилган экан. А? Ўзбек бободан ўтадиган боғбон борми бу юртда? Боғларига кириб кўрганмисизлар? Юзлаб одамларнинг боғидаги улама дарахтлар — шу чолнинг фарзандлари, дейиш мумкин.

У кишининг "Боғбон бобо" деган лақабиям бор эди... Қани, мана шу дастурхондаги тўртта ношвати – нишоналардан. Биттадан олинг, жўралар. Раҳмат...

Майли, бўлмаса қўлларингни дуога кўтаринглар: "Ўзбек бобом асл...".

Ранглар борлиқни билишнинг ифодали воситаларидан бири саналади. Тасвирий санъат асарларида бадиий образ яратишда рангларнинг таъсирчанлигидан фойдаланилади. Ранг орқали нарсалар ҳажмини, таркибини ва инсон ички кечинмаларини, фазо кенгликларини, тоғу тошларнинг улуғворлигию ўсимликлар дунёси ҳамда инсониятнинг бой тарихини ифодалаш мумкин. Рассомлик шундай санъатки, рассомнинг бўёқларда ишлаган сурати бизни ҳаётдаги каби ҳаяжонга солади. Рассом бўёқ ва чизиқлар воситасида юз ва ҳаракат ифодасини, соя ва нур ёруглигини тасвирлайди. Шунинг учун ҳам яхши асар, агар у ёрқин, тиниқ бўёқларда ижро этилган бўлса, шодлик кайфиятини уйғотади. Демак, рассомлик санъатида асосий тасвир воситаси ранг бўлиб, тасвир турли ранглар ва бир рангнинг бир неча кўринишидан фойдаланиб ҳосил қилинади.

УЙҒУН ВА НАФИС РАНГЛАР

Маълумки, рангтасвир санъатида ранг, жанр, мавзу, йўналиш кабиларга мурожаат қилиш ҳар бир рассомнинг ўз ихтиёрида бўлади. Бу ҳолат сўзсиз инсоннинг ички кечинмалари, туйғуларининг чуқур ва нозик олами билан узвий боғлиқ ҳолда кечади. Ҳар бир яратилаётган санъат асари ранглар-сиз жонлана олмайди. Шунинг учун ҳам рангларнинг тасвирий санъатдаги аҳамияти катта. Оқ ранг доимо поклик рамзи ҳисобланган, яхшилик ва қувончни ифодалаган. Уни куннинг ёруғи ва ой шуъласига киёслашади. Замонавий бадиий жараёнда ижод қилаётган рассомлар оқ рангдан унумли фойдаланадилар.



Қизил ранг хурсандчилик, гўзаллик, севги, мукаммал ҳаётни билдирса, бошқа томондан душманлик, қасос, уруш, жаҳлдорлик каби хусусиятларни ҳам ифодалайди. Қизил табиатнинг асосий рангларидан биридир. Ўзбекистон тасвирий санъатида қизил рангда севиб ижод қилган ижодкорларимиздан бири Рўзи Чориев. У Сурхондарё аёллари ва уларнинг либосларини шу ранг орқали маҳорат билан ифодалаб, бу билан вилоятнинг иссиқ иқлимига ишора қилган.

Сариқ ранг томошабинда илиқ таассурот қолдириш хусусиятига эга. Сариқ қопламали буюм кишини ўзига тез жалб қилади, шунингдек, ўзидан нур таратаётгандек туюлади. Бу рангнинг инсон психологиясига тез таъсир кўрсатиши аниқланган. Тасвирий санъатда сариқ рангни ўз асарларида кўп ишлатган рассом П.Беньковдир. У нур ва соя ўйинларида кўпроқ сариқ рангдан фойдаланган.

Кўк ранг осмон ва денгиз рангидир. У ўзида хотиржамликни мужассам этади, совуқ ҳаво ҳовурини беради. Кўк ёки мовий кенгликка қараган инсонда ўтмишдаги хотиралар жонланади. Кўпгина халқларда кўк ранг мангулик рамзи саналади. Тасвирий санъат тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Афросиёб ҳамда Болаликтепа деворий суратларида энг кўп ишлатилгани кўк рангдир.

Яшил ранг бутун борлиқ, табиат рамзидир. Кўпгина халқларда бу ранг ёшлик, умид ва хурсандчилик, ўспиринлик тимсоли. И.Шишкин ва И.Левитан тасвирий санъатда яшил рангни севиб қўллаган рассомлардир. Уларнинг манзаралари киши руҳиятига ижобий таъсир қилиб, сокинлик бахш этади.

Қора ранг, умуман олганда, қайғу, жонли табиатнинг фожиасини ифодаловчи ранг ҳисобланади. Туркий халқларда қора сўзи "шимол" маъносини берган ва шу билан бирга у "буюк" маъносини ҳам билдиради. Тасвирий санъатда Абдулҳақ Абдуллаев яратган портретларда кўпроқ қора ранг ишлатилганига гувоҳ бўламиз.

Адабиётда ҳиссиёт қалам орқали сўзлар воситасида қоғозга туширилса, рангтасвирда мўйқалам ва ранглар орқали ифода этилади. Рангга муносабат турли оқимларда турлича кечган. Поль Гоген, Ван Гог, Сезанн каби импрессионист рассомларнинг икки ранг доғини матога ёнма-ён қўйиш орқали сирли учинчи ранг сезгисини ҳосил қилиш маҳорати кишига ҳузур, завқ бағишлайди. Ҳар бир миллатнинг ҳам ўзига хос ранглари бор дейиш мумкин. Бунда, албатта, маконнинг географик жойлашиши, табиатининг хусусияти, миллатлар характери каби хислатлару хусусиятлар миллий рангларнинг шаклланишига асос бўлади. Шунингдек, рангларнинг руҳий таъсирига қараб, рамзийлик ҳолати ҳам мавжуд.

Рассом ўз асарида асар ғояси, мазмунига қараб турли ранг ечимида, баъзан уч-тўрт ранг, баъзи ҳолларда ўнлаб ранг ва туслардан фойдаланади. Масалан, қиш манзарасини ишлашда уч-тўрт ранг, куз манзараларида эса ўнга яқин ранг ва кўплаб туслардан фойдаланиши мумкин. Архитектура манзараларини ишлашда эса икки-уч рангдан фойдаланилади.

Ранглар муносабатлари (нисбати), умумий туси ва ранглар ҳолати тўғри топилган санъат асарини яхши рангтасвир дейиш мумкин. Рассом бунинг учун аслига қараб, ранглар ҳолатини ва умумий оҳангини, ранглар муносабатларининг пропорционал миқдорини тўғри топиш учун, аввало, ранглар тусини ва нисбатини аниқлаши керак. Рангларнинг бойлиги ва мувофиқлиги унинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Юртимизда рангларнинг мўллиги — рассомнинг бахти. Аммо рассом борлиқда оддий кишилар кўра олмайдиган ранг нисбатини, колоритини ҳосил қилиш қувватига, имкониятига эга бўлиши зарур. Аниқроқ айтганда, рангшуносликнинг нозик томонларини кўра билиш ва бу кўникмани ҳосил қилиш ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бунинг учун тинимсиз излаш, машқ қилиш, кўзни чиниктириш керак. Бундан ташқари, рассомларда ранглардан фойдаланиб асар яратиш жараёни ҳар хил кечади: кимдир бир неча оддий рангларни кўрса, бошқа бировлар энг нафис ранглар гаммасини сеза олади, бундан ўз асарида тўла фойдаланади.

Рассомлар кундузи, айникса, ёруғ кунда ишлашни ёқтиришади. Кун давомида ёруғлик кучи турлича бўлади, аммо барча шароитда маълум бир юзанинг идрок этилаётган ёруғлиги ўзгаришсиз қолаверади. Қоғоз варағини ҳар қандай шароитда — эрталаб, кундузи, кечқурун оқ рангда кўраверамиз. Шунга кўра, нигоҳий тасаввуримиз ёрқинлик нисбати билан белгиланади. Агар тасвир ёки этюдда ёрқинлик нисбати сақланган бўлса, тасвир ўзгаришсиз ва ҳаққоний кўринади. Буюмларнинг ҳақиқий ранги ҳам, уларнинг маконда жойлашуви ҳам ҳаққоний тасвирлаб берилади.

Рассомлар орасида рангларнинг колористик асоси ҳақида кўп гапирилади. Рангларнинг колористик асоси, бу ранглар бирлиги тамойилидир. Картинадаги бўёқ ранглар бирлигига бўйсундирилмаса, у доим ёрқинлиги билан ажралиб, жами бўёқлар гаммасига бегона бўлиб қолади. Шунинг учун картина ёки этюдга бирон-бир ранг беришда бошқа ранглар колорити билан боғлаш муҳим. Умумий ранг оҳанги билан боғланмаган ранг мато сатҳидан чиқиб кетади, қўшилмайди, бегона бўлиб, тасвирнинг умумий ранг тузилишини бузади. Картинанинг ранг колоритини ҳал қилмаслик унинг қисман бўлиниб кетишига, композиция ечимига салбий таъсир қилади. Ранг рассом томонидан яхши ташкил қилинса ва рассом эҳтиросига монанд бўлса, картина таъсирчан бўлиши мумкин. Ранглар нисбати уйғунлигининг умумий принципларидан бири ранглар тусининг бир-бирига яқинлиги ва ўзаро қўшимча ранглар мажмуасидан ҳосил бўлишидир. Ранглар уйғунлиги нисбати ҳар хил бўлади. Уларнинг комбинацияси шу ранглар жуда яқин, ҳар хил тусдаги, тўла ранг контрасти ёки улар орасидаги ранглардан ташкил қилиниши мумкин.

Кўтаринки мавзуларда асар яратган рассомлар ижодига назар ташласак, унда умумий ранг тузилишида ёрқин, ўйноқи рангдаги бўёқлар ишлатилганини кўрамиз. Ҳаётда кузатган нарсалар рангини матода ёки қоғозда акс эттирганимизда, уларни гўзал, таъсирчан яратишимиз мумкин. Аслида, нарсаларнинг рангини эмас, уларнинг кўзимизга қандай кўринишини ҳисобга олган ҳолда тасвирлаймиз. Яъни жисмларни ҳавойи перспектива орқали кўринган ранглар ёрдамида акс эттирамиз. Бизга кўринган ранглар жисмнинг ҳақиқий рангидан анча фарқ қилиши мумкин. Барча кўринган жисм ранги унинг яқин ёки узоқда туришига, рангига, ёруғлик кучига ва теварак атроф таъсирига ҳам боғлиқ. Шу билан бирга равшанлиги, ранги ва ранг уйғунлик кучи ҳам ўзгаради.

Хуллас, ранглар мутаносиблигида буюк сабоқ бор. Рассомлар табиатдан ўрганиб, рангларни қалбидан ўтказиб, табиий рангларни ўрганиш асосида янги ранглар уйғунлигини ҳосил қиладилар. Яхши асар фақат уйғун ва нафис ранглар орқали кишининг қалбига етиб бориши мумкин.

Муродилла АКРОМОВ,
санъатшунос

ДЎРМОНДА МУШОИРА

"Дўрмон" ижод уйи қошида ташкил этилган ижодкорлар клуби ташаббуси ва Ёзувчилар уюшмасининг қўллаб-қувватлаши билан "Дўрмон оқшомлари" мушоира кечаси бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча вилоятлари ва қўшни Қозоғистондан ҳам шоирлар иштирок этди. Абдулла Шер, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Тоҳир Қаҳҳор, Бибисора Туробова, шунингдек, қозоғистонлик Эркиной Султонова, Абдурауф Абдуғаффор, Соатой Камол қизи каби таржимонлар, шоиру шоиралар ўзларининг шеърларидан ўқиб беришди.

— Мақсадимиз чекка ҳудудлардаги ижодкорларни ҳам даврамизга чорлаб, уларни кашф этишдир, — дейди "Дўрмон" ижодкорлар клуби раҳбари Амир Худойбердиев. — Бундан ташқари, атоқли шоир ва адиблардан маҳорат сабоқларини олиб, қатнашчиларнинг ижод намуналарини муҳокама қилишни ҳам кўзда тутганмиз.

Тадбир сўнгида адабиётшунос Сайфиддин Сайфуллоҳ "Етти пир", "Тасаввуф ва нақшбандийлик", шоира Бибисора Туробова "Келин салом", шоир Ўрмонжон Холйигитов "Кўксимдаги осмоним", шоира ва таржимон Соатой Камол қизи қозоқ тилидан ўзбек тилига ўгирган шеърий китобларини қатнашчиларга ҳамда "Дўрмон" ижод уйи кутубхонасига туҳфа қилишди.

Хонбиби ҲИММАТ қизи,
журналист

Корея Республикасидаги Осиё маданият маркази (Asia Culture Center) томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи Муҳаббат Йўлдошеванинг "Менинг булут дўстларим" номли китоби бир йўла ўзбек, корейс, инглиз ва рус тилларида чоп этилди. 3000 нусхада босилган бу китоблар Марказий Осиёдаги беш давлат ҳамда Корея Республикасидаги кутубхоналар ва болалар ўқув марказларига бегараз тарқатилади.

ХУШХАБАР

4 ёшдан 8 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган бу китоблардан муаллифнинг "Буюк Сут дарёси" номли эртак-қиссасининг бир қисми жой олган.

Осиё маданият маркази глобал мултимаданият муассасаси бўлиб, Осиё давлатлари маданиятларини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар олиб бориш, ижодий ва таълим алмашинуви дастурларини амалга ошириш билан шуғулланади. 2013 йилда Осиё маданият маркази ва Осиё "Достончилик санъати" қўмитаси томонидан уюштирилган халқаро сценарийлар танловида Муҳаббат Йўлдошеванинг "Парилар шаҳзодаси" номли эртак-фильм сценарийси 1-ўринни эгаллаган эди.

Фозил ФАРҲОД

НАВРЎЗ МУШОИРАСИ

ОРЗУЛАРИ ~ РИЗВОНГА ЎХШАР...

ТАШРИФ

Оҳулиги шаҳлога қиёс,
Жодулиги Лайлога қиёс,
Ярашади ҳар қандай либос,
Оразлари ризвонга ўхшар.

Бу не ҳайрат, бу не тароват,
Юракларда жўшди ҳарорат,
Гиёҳларда унди жасорат,
Ифорлари райҳонга ўхшар.

Чақин чақнар шарор вослида,
Дала-даштлар гулзор қасдида,
Бир қиз келар дийдор фаслида,
Инжулари найсонга ўхшар.

Ёноқлари уфқдан ял-ял,
Ҳар гиёҳга беради сайқал,
Қизғалдоқлар пойида машъал,
Нигоҳлари уммонга ўхшар.

Оғочларда тиркирар япроқ,
Ишқ тафтидан гуллайди тупроқ,
Қалдирғочлар парвози шўхроқ,
Қанотлари исёнга ўхшар.

Беҳуд кунлар аркони рўё,
Чўмилади шодликка дунё,
Бир қиз келар тийнати раъно,
Қоматлари ғилмонга ўхшар.

АЁЛ ВА БАҲОР

Ўзинг ҳурга ўхшаб кетасан,
Кўзинг нурга ўхшаб кетади.
Сўзинг гулга ўхшаб кетади,
Келган сенми ёки баҳорми?

Боғлар хандон отди қиқирлаб,
Найсон инжу сочди шитирлаб,
Қулоғимга ишқдан шивирлаб
Елган сенми ёки баҳорми?

Шаффоф бўлди ойдин кечалар,
Нурга тўлди рангин кўчалар,
Майгун бўлди мажнунпешалар
Севган сенми ёки баҳорми?

Ўзинг малак, ўзинг капалак,
Гоҳи камон, гоҳи камалак,
Гоҳи ҳалим, гоҳи сумалак,
Эркам сенми ёки баҳорми?

Яна қандай айлайин қиёс,
Одамга жон ато қилган соз,
Вослинг қилди ҳижрондан халос
Кўркам сенми ёки баҳорми?

Сен жаннатдан адашиб тушган
Ҳурлиқосан, самандар қушсан.
Равза бўлди сен қучган гулшан,
Чаман сенми ёки баҳорми?

Юзинг зебо, ифоринг ялпиз,
Кўзинг шаҳло, чиройинг наргис,
Оғушига ғарқ этган денгиз —
Уммон сенми ёки баҳорми?

Нуруллоҳ ОСТОН

ОНАЖОН

Шукр, фарзандларим бор,
Мен ҳам бахтли онаман.
Улар тарбиясида,
Сиз каби парвонаман.
Тутяпман ҳоли-қудрат
Сиздан уққанларимни.
Билмам уддаладимми
Дилга тукканларимни.
Мунисим, меҳрибоним,
Сизга айтар сўзим кўп.
Сиздан олиб куч-қанот
Яшаяпман дадил, хўп.
Ҳар бир пиллапояда
Ортга қараб оламан,
Ҳаёт синовларидан
Гоҳо толиб қоламан.
Ўй-хаёлларга чўмсам,
Пайдосиз кўз ўнгимда.
Ногоҳ туртиниб кетсам,
Етаклайсиз қўлимдан.
Сизни соғинган куним,
Тушларимга кирасиз.
Она, сиз яшаяпсиз,
Менинг юрагимдасиз.

ГУЛЛАРИМ

Қиш эшигини ёпиб,
Келди баҳор нафаси.
Еру кўкка таралди,
Шамолнинг майин саси.
Юмшоқ ерда юмалаб,
Яшилланди боғ, далам.
Баҳоройни эркалаб,
Очилди гулу лолам.
Бинафшаю чучмома
Таратди хушбўй атрин.
Гул сайлига шайланди,
Лола билан настарин!..
Тортинчоқ наргиз гулим,
Эгиб турар бошини.
Хушбўй нафис товланиб,
Артар кўклам ёшини.
Соғинган дил тоғини,
Силаб кетай деди у,
Ҳуснига, ифорига
Белаб кетай деди у.
Заминдан мадор олиб,
Қўшиқ бошлади улар.
Навбаҳорни олқишлаб,
Яйраб кетди кўнгиллар.

Захро ҲАСАНОВА

МЕН СИЗНИ...

Менинг кўнглим бутунми, ярим,
Армонмиди ҳидлаган гули?
Узаяди борганим сари
Ҳижронмиди бошлаган йўли?!

Мен учмадим ҳавойи сўзга,
Сиз нимага учиб кетдингиз?
Мен қирғоқда қараб қолдиму
Сиз кемага тушиб кетдингиз.

Сиз қайданам билар эдингиз,
Юрагимда бўлган ёнғинни.
Сиз кетдингиз, мен қарғаб қолдим
Сизни олиб кетган тўлқинни.

Тошларини ўпар сохилнинг,
У қирғоққа келади, кетар.
Сиз тўлқиндай бўлолмадингиз,
Қумларини эркалаб ўтар.

Сизни олиб кетган сув сокин,
Юрагимнинг мавжи йўқ энди.
Қушиқларин унутди қалбим,
Куйларимнинг авжи йўқ энди.

Ҳали сизга бир гап айтаман,
Сиз армонга эгилмай ўтинг.
Соғинч эзса юрагингизни,
Мени ўша қирғоқда кутинг.

Мен кўнглимни сизга очмайман,
Кўнглингизни билганим учун.
Мен ўзимни ёмон кўраман,
Сизни яхши кўрганим учун.

* * *

Ҳақиқатни изласанг,
Адолати бор дунё.
Кенгга кенг кўринади,
Торга эса тор дунё.
Бу дунё бир денгиздир,
Пўртанаю гирдобли.
Бири кам икки азал,
Бунда бари ҳисобли.

Ўн бешида қор ёғса,
Ёмғир ёғдирса фалак,
Ой ярмида қуёш бор,
Чиқиб қолар камалак.

Кўра олмас тун кунни,
Бир-бирида қасди бор.
Бу дунёда курашиб
Яшамоқнинг гашти бор!

ДУНЁ

Яхшига яхши дунё,
Ёмонга ёмон экан.
Ким севинса гўзалу
Ғам чекса, ёлғон экан.

Мудом ўзгариб турар,
Юлдузларнинг жойи ҳам.
Гоҳо тўлин, гоҳ ҳилол,
Яримтадир ойи ҳам.

Топганин йўқотганда
Ношукрнинг сабри йўқ.
Ҳижрон бўлмаса ишқда
Муҳаббатнинг қадри йўқ.

Виждон йўқ номардларда,
Бир-бирига панд бериб.
Ёмонлик қочар доим,
Яхшиликка тан бериб.

Эзгулик ғолиб келар,
Ёлғонидан рости кўп.
Ким самимий, ким камтар,
Шу инсоннинг дўсти кўп.

Мунаввара НУРМАНОВА

КЎКЛАМ

Уйлар пештоқига тақиб сумалак,
Қиш аёз, кунлари аста сирғалар.
Истабми, истамай булутлар аро,
Ой ҳам гоҳ кўриниб-кўринмай қолар.
Қўлимга тутаман мафтункор қорни,
Унга ҳам боқаман меҳр-ҳавасда.
Кошки эди уни ушлаб қололсам,
Гўдаклик фаслидек у ҳам бирпасда.
Бошини қорлардан қоқиб, бинафша
Аста кўтармоқда, ҳаётга ташна.
Демак, ўтган йўлни қолдириб ортда,
Баҳорни етаклай ёниб оташда.

ВАТАН

Кипригим учида кўтариб,
Бўйнимда туғ атаб асрадим,
Руҳимни беланчак айладим,
Жонимни поёндоз ташладим,
Қорачиқ қасрида авайлаб,
Мадҳингни қуйладим – оширдим.
Қаддимни тоғ – соя тутдиму
Юрагим дарёдек тошиردим.

Отамдек бағримда қол, Ватан.
Онамдек бағрингга ол, Ватан.

ЧУЧМОМА

Чучмома, чучук момо,
Қирларга суюк момо,
Гулларнинг маликаси,
Оҳ, бағри қуюк момо.
Қуёшга нур тарайсан,
Довулга жим қарайсан.
Миттигина жонингга,
Қайдан нажот олгайсан.
Миғжанг бўлмоқчи эдим,
Кўкка етмоқчи эдим.
Бардошингдан қарз олиб,
Бахтга тўлмоқчи эдим.
Ўшал мен сени суюб,
Баргингдан ўпган онда,
Тўла бус-бутун эдим,
У дам қолди Сурхонда.
Кўз қирингни солмадинг,
Шамолларда толмадинг.
Йўлларга қир тўкилган,
Қанотингга олмадинг.
Умрнинг қанотидан,
Ҳаётнинг бисотидан,
Бисотим фарёдидан
Адо бўлдим-ку, момо.
Чучук момо, чучмомо,
Юрагимни куч, момо.
Малулгина жонимга,
Малҳамни қил дуч, момо.

Тожинисо ТЎРА қизи

БОЛАЛИГИМИЗ НАВРЎЗЛАРИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Ўрта ёшли эркаклар боболардан сал берироқда давра қуришарди. Бу даврада ҳазил-ҳузулни Ашур тоғам бошлаб берар, кимларнингдир ҳаракатларини ўрнидан туриб кўрсатар, Эшбўри аканинг қулғили қилиқлари тилга олинганда гурра кулгидан дарахтлардаги қушлар парпираб учарди. Номлари тилга олинганлар ҳеч ҳам хафа бўлмас, аксинча, ўзларининг соддадилликларидан кўзлари ёшланиб кулишарди. Ёши улуғлар ҳам бу ҳазиллардан завқланишар, саллаларининг учи билан кулгидан намланган кўзларини артишарди.

Сал нариоқда момолар ёшларига қараб жойлашиб ўтиришар, либослари ёшларига муносиб улуғсифатроқ эди. Момоларнинг бошида чит, сатиндан тикилган капач, капачнинг устидан турли тусдаги рўмоллар ўралган бўларди. Кўкиш йўл-йўл кандирдан пешмат кийишар, пешматнинг олд қисми майда жўрма билан безалган бўларди. Момолар ҳам эркаклардан ийманиб ўтирар, невараларининг хархашаларига қулоқ тутишар, уларга қанд-қурсми, бўғирсоқми – сўраганини олиб берарди.

Ўрта ёшли аёллар давраси гулзорга ўхшарди. Улар ранг-баранг либослар кийган, оч яшил паранг, атлас, қип-қизил пилотно қўйлаклари ловуллаб турарди, эналаридан мерос ҳапамат, дардиғозна, қизилмаржон, томоқча, билакчаларини тақиб олишар эди.

Биз болаларнинг бошимиз осмонда. Ҳар биримиз эгнимиздаги ёркин либосларимизни кўз-кўз қилардик, бошларимиздаги янги рўмолларимиз, устига тугма тикилган, турфа ранг ипаклардан тайёрланган белдовчалар ўрнатилган янги ковушимиз билан мақтанар эдик.

Бундай байрамга ҳар бир оила аёли таом тайёрлаб келар, кимдир қатлама, кимдир бўғирсоқ, яна кимдир ғилбинди, яна биров ширгуруч. Таомлар дастурхонларга тортилар, "олинг-олинг"-дан дарахтзор шовқинга тўлар эди. Эътиборлиси шундаки, агар қишлоқда азадор оила бўлса, улар тадбирга қатнашмас, элнинг оксоқоли топшириғи билан ўша хонадонга патир, қатлама, бўғирсоқ, турли ширинликлар солинган дастурхон юборилар, ёшлар сопол товоққа уйиб солинган, сергўшт палов устига иккита нон қўйиб элтиб беришарди.

Ниҳоят шўрвалар тортилиб, ошлар ейилиб, кўк чойлар ичилгач, одамлар жим бўлишиб боболар ўтирган томонга дуо сўраб қарарди. Бундай кезлар иззат-ҳурматли Алимардон бобом қадоқ қўлларини дуога очиб:

– Илоҳи омин, қариларнинг иймонини берсин, ёшларга узоқ умр берсин, ҳаммани тўйларга, байрамларга жетказсин. Ҳаммамиз болаларимизга бош бўлайлик. Омин, Оллоҳу акбар, – деб юзига фотиҳа тортарди.

Дуо ўқилгач ҳамма баравар ўрнидан турар, боболар бирин-сирин калишларини кийиб боғдан чиқар, ўрта ёшли эркаклар уларнинг изидан юрар, ёш-яланглар қозону самоварни йиғиштирар, момолар то эркаклар боғдан чиқиб кеттунча невараларининг қўлидан маҳкам тутиб гурунглашиб туришар, бундай пайтда ҳар ким ўз сирдоши билан диллашар эди.

Энам эртаси саҳармардонда уйғонар, кичиккина ҳужрамизда Йилбоши таоми учун хамир қорарди. Биз қизлар дарвозамиз ташқарисига сув сепиб, супуриб-сидириб, гиламлар, кўрпачалар тўшардик, дастурхон ёзар эдик. Энам эса сочдек ингичка кесилган хамирни баркашларга солиб олиб чиқар, маърака қозонда пишириб олар эди. Кескан (угра) ош пишгач, суюлтирилган чакки (сузма) билан аралаштирилар, опаларим майда тўғралган турли кўкатлар, нозвой, пудина, аччиққина мурч солар эди. Бу таом яхши кунлар кескандек узун бўлсин, деган ниятда қилинарди.

Бундай кезлари унча-мунчага сир бермайдиган отам салобат билан қишлоқдошларимизни қўшқўллаб кўришиб кутиб олар, боболар отамни дуо қилар, акаларим уларнинг қўлларига сув қуяр, сочиқ тутишар эди. Тоға, амакиларим меҳмонларга чой, нон, овқат ташишар, бу таомил уларга ёқиши чеҳераларидаги табассумдан аён эди.

Тушга яқин бу таомил ҳам якунланарди. Отам қўйни-қўнжини тўлдириб, чойнакдай-чойнакдай олма, анор, увиздай сап-сариқ каттақўрғони майиз, шақирлаган ёнғоқлар, пайшанбанинг парвардаси, сутга қорилган элақдай нонлар – ҳуллас, энг яхши егуликлардан жамлаб, акаларимни олиб Алимардон бобомнинг уйига кетар эди.

Уйда энам ва қизлар қолар эдик. Ана шунда энам тиззаларига Ойимгулчани ўтирғизганча бизга Йилбоши қўшиғини айтиб берар эди.

Жилбоши кепти, билдингизма?
Этта саҳар турдингизма?
Этта саҳар тура солиб,
Қозон-товоқ жувдингизма?

Биз қизлар бир-биримизга майингина қараб қўярдик. Энам ўзи тўқиган бу қўшиқ орқали бизга нималарнидир ўргатаётганларини сезардик.

Жилбоши кепти билдингизма?
Тонг қоронғи турдингизма?
Тонг қоронғи тура солиб,
Ишни тоза қилдингизма?

Опаларим билинтирмай ўзлари чинни-чироқ қилган чойнак-пиёлаларга, қордай оқартириб ювган кийим-бошларга кўз солиб қўйишарди.

Жилбоши кепти билдингизма?
Қошга ўсма қўйдингизма?
Қошга ўсма қўяятиб,
Жайраганин билдингизма?
Жилбоши кепти билдингизма?
Қўлга хина қўйдингизма?
Қўлга хина қўяятиб,
Қизариб кетганин билдингизма?

Бундай пайт хинадан қизариб турган кафтларимизни очиб маҳлиё бўлиб қарар, бир-биримизга мақтаниб кўрсатар эдик. Қўшиқ эса янаям бошқачароқ давом этарди.

Жилбоши кепти билдингизма?
Буванинг ҳалин сўрдингизма?
Буванинг ҳалини сўраб,
Бели бугилганин билдингизма?

Кўз олдимизга қотма, қиёфаси жиддий, қўллари чайир чавандоз бувам келарди. Унинг кўзларини ярим юмганча, ҳеч сўз демай чой ҳўплаши, ҳар замонда ўсиқ қошларининг аста кўтарилиб-тушиши хаёлимиздан ўтарди.

Яна бундай кезлари бир пайтлар қомати сарвдек, қош-кўзлари тим қора, сочлари тақимини ўпган, Худойкул бобом бир кўришдаёқ суйиб колиб, бир хум тилла, бир белбоғ каттақўрғони майиз эвазига опқочиб кетган, кейин уч кечаю уч кундуз тўй қилиб уйланган, энди кундан-кун кексайиб бораётган Ортиқбайбича момом хаёлимиздан ўтарди. Бу қўшиқни эшитганда эртакчи момом, ривоятчи момом, қайвони момом, тўксоба мамомни яхши кўриб кетардик.

Холаларим... Бири Яккабоғнинг Қайқи қишлоғида яшайди. Бахтиёр поччам қўй оғзидан чўп олмаган яхши одам. Болаликда онасидан эрта етим қолиб, кўп кўргуликларни кечирган холам ёши эллликка яқинлашган бўлсаям ярқираган атлас кўйлак, бошда дўппи, пошнали туфли кийиб юрадиган, бир гапириб ўн куладиган қувноқ аёл. Кўзи киртайгани йўқ-ку, деб ўйлаймиз. Холам гуруллаб гапирганда унча-мунча одам таққа тўхтайди-ку.

Аммам... Отамнинг на синглиси, на опаси бор. Ўнта амаким бор. Аммо бобомнинг синглиси Бегимой амманинг қизларини амма деймиз. Бувижон аммам шундоқ кўзимизга яқин яшайди. Бир ховли ўғил, қизи бор.

Яхши одамлар. Энам ҳам, отам ҳам жуда кўп одамларни яхши, деб мақташади. Масалан, лойқалик Халил акамни. Ҳалол, меҳнаткаш одам. Ўзи қоп-кора бўлсаям, қалби оппоқ, дейди отам. Чинданам Халил ака уйимизга келса, худди ўз акамиздек елкасига осиламиз. Ёруғлик шумикан?

Жилбоши кепти, билдингизма?
Ота мозорин кўрдингизма?
Ота мозорин кўраятиб,
Кўнгли вайрон бўлдингизма?
Жилбоши кепти, билдингизма?
Эна мозорин кўрдингизма?
Сўлиган гулларди кўриб,
Ҳайрон-ҳайрон бўлдингизма?

Қўшиқнинг мана шу жойлари бизга ёкмайди. Маъюс тортиб, энамга қараб турамиз. Уни қучоқлаб ўпамиз. Қаришини ақлимизга сиғдиролмаймиз. Гўёки бизнинг ота-энамиз ҳеч қачон қаримайди, ҳамиша мана шундай гўзал, навқирон бўлиб қолаверади.

Энди ақлимни танигач билдимки, ота-онанинг бу дунёдан ўтмоғи бор экан. Энам айтимлари орқали бизга тириклигидаёқ насиҳат қилган, ҳаётдан сабоқ берган экан-да.

Энамнинг айтимларини тинглаб, боболар, момолар, тоғаю амакилар, амма-холаларни қадрлаш кераклиги онгимизга сингиб борарди. Айтимда энамнинг завқли юраги, одамларга меҳри, хаётга қарашлари, яхшилик исташлари акс этади. Энамнинг ўз олами яшайди бу айтимларда. Унинг сатрларида энамнинг бутун оламга меҳри, муҳаббати намоён бўлади. Ётми, танишми – ҳаммага тутган яхшилик гуллари чаппор уради. Эҳ, бу айтимлар, эҳ бу олқишлар, уларни ҳеч кимнинг энаси энамдай айта олмайди.

Гулжаҳон МАРДОНОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

КИТОБГА ОШУФТА ОДАМЛАР

Баҳорнинг файзли ва фараҳбахш кунларида бир гуруҳ маърифат тарғиботчилари, ижодкорлар Сурхондарё вилояти сари йўл олдик. Вилоятнинг қайси шаҳри ёки қишлоғига бормайлик, ким билан суҳбатлашмайлик, бу ерда юртдошларимиз Ватан тақдири учун жон қуйдириб яшайдиган, меҳнаткаш ва олижаноб инсонлар эканига гувоҳ бўлдик.

Дастлаб Термиз давлат университетида "Илм-маърифатли ёшлар — Ватанимиз келажаги" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Нуфузли университетда илмий тадқиқотчилар ва депутатлар билан учрашувлар, журналист ва блогерлар учун матбуот анжуманлари ташкил этилаётгани ёшларнинг дунёқараши юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Кўплаб талабалар санъат ва касб-ҳунар сирларини ўрганиш борасида муайян ютуқларга эришмоқда. Жумладан, мусиқа таълими йўналиши талабаси Шерхон Жовлиев Маданият вазирлиги томонидан ўтказилган республика танловининг якуний босқичида ғолибликни қўлга киритган. Тарих факультетида ўтган "Балли, қизлар!" мусобақасида факультет қизларидан Барчиной Мирзаалиева ва Шаҳина Матқурбонова биринчи ва иккинчи ўринга сазовор бўлишган.

Денов туманидаги ҳарбий қисмда бўлганимизда, ҳарбийларимизга яратилган шарт-шароитлар, янги бунёд этилган спорт зали ва спорт майдончаси, кенг ва ёруғ ошхона, кўплаб бадиий адабиётлар жамланган кутубхона ҳамда ўқув машғулотлари ўтказиладиган ўқув хоналарини кўриб қувондик. 15 мингга яқин бадиий ва ҳарбий мутахассисликка оид китоб ва қўлланмалар жой олган мазкур кутубхона аскар ва зобитларнинг маънавий ва маърифий онгини шакллантиришда, уларнинг билим савиясини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

– Ҳарбий хизматчиларимиз ўз мутахассисликлари бўйича доимий тайёргарлик олиб бормоқдалар, – дейди биз билан суҳбатда ҳарбий қисм командири ўринбосари, майор Мақсуд Аҳмедов. – Муддатли ҳарбий хизматчиларимиз "Энг илғор мутахассис" кўрик-танловида ўн етти йўналишнинг ўн иккитасида ғолиб бўлди, бу борада ҳарбий қисмимиз Мудофаа вазирлиги бўйича биринчи ўринни қўлга киритди.

Офицер ва ҳарбий хизматчилар ҳарбий қисмнинг машқ майдонида йиғилишган. Ҳаво анча илиб бодом ва ўриклар гуллаб, димокка ялпиз ҳиди урилиб турган бўлса-да, салқин шабада эсиб турибди. Сурхондарёлик таниқли ижодкор-журналист Жўрақул Турсунов меҳмонларни таништирди. Шоирлар Ватан ҳимоячиларига бағишланган шеърларидан намуналар ўқиб беришди. Тадбир сўнггида ҳарбий қисм кутубхонасига китоблар тухфа этилди.

Деновда тадбиркор Ислом Худойбердиев туман марказидаги истироҳат боғида "Китоб маркази" биносини ишга туширган. Бу марказда китоблар нафақат сотилади, балки унда ташкил этилган ўқув-тайёрлов залида олий таълим муассасаларига кириш учун тайёрланётган ёшларнинг беғараз фойдаланишларига ҳам имконият яратилган.

Китоб марказининг рўпарасида яна бир тадбиркорнинг бино қурилиши якунланиш арафасида. Бу бино ҳам китоб дўкони учун мўлжаллангани билгач, "Сизга рақобатчи бўларкан-да!": – дедик.

– Э, йўқ, аксинча, иккита катта китоб дўконининг бир ерда бўлиши, ёшларимизга ўзлари истаган китобларини топишлари учун қулай бўлади. Бизнинг асл мақсадимиз ёшларимизнинг илму маърифатли бўлишларига ёрдам беришдан иборат, – дейди тадбиркор.

Бойсун туманида ўтган "Ҳоким ва ёшлар" тадбирида туман ҳокими Аскарали Жўраевнинг ташаббуси билан 10 миллион сўмлик китоблар ёшларга совға қилинди.

Тадбир якунлангач, "Бўйрабош" маҳалласида ёш тадбиркор Улуғбек Исматов қуриб битказган 120 ўринли мактабгача таълим муассасасининг очилиш маросимида иштирок этдик. Замонавий услубда қурилган икки қаватли бу ёруғ ва кўркам бинонинг ҳамма ёғи баҳорий гуллару чечаклар билан безатилган. Бино атрофида қишлоқнинг етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аҳолиси йиғилган. Кираверишда фольклор ансамбли аъзолари шўх қўшиқ ва лапарларни куйлаб, рақсга тушишмоқда.

Кекса отахоннинг фотиҳасидан сўнг янги боғчага кирдик. Димоғимизга баҳор гулларининг турфа ифори урилди, бино йўлагида ва зина атрофида гултувакларда ўстирилган турли гулу майсалар барқ уриб, яшнаб турибди.

Иккинчи қаватдаги болажонлар турли байрам тадбирлари ва спорт машғулотларини ўтказишлари учун кенгтина хона ҳам байрамона безатилган бўлиб, хона девори бўйлаб мўъжаз курсичалар териб қўйилган. Замонавий жиҳозланган муассасани кўздан кечирар эканмиз, бу ерда тарбияланувчи болажонлар моҳир педагоглардан таълим-тарбия олиб ўсиб-улғайиб, халқимизга нафи тегадиган инсонлар бўлиб етишишларига ишонч ҳосил қилдик.

Сафаримиз тугаб пойтахтга қайтар эканмиз, азалдан Термизийлару Алпомишлар, полвонлару бахшилар юрти бўлмиш Сурхондарё аҳли, ижодкорлари озод ва обод Ўзбекистонимизнинг янада яшнаб-гуллаши йўлида белни маҳкам боғлаган ҳолда меҳнат қилаётганликларига ишонч ҳосил қилдик.

Зикрилла НЕЪМАТ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Наврўз ҳақидаги афсоналарнинг бирида аждодларимиз темир қояни эритиб, янги маконга чиққанлиги, шу кунни янги кун, йилнинг боши, деб атагани айтилади. Темир қоянинг эритилиши, темирчилик сирларининг кашф этилиши бу, албатта, ўз даври учун катта янгилик, янги бир тамаддуннинг бошланиши эди.

ТУН БИЛАН КУН ТЕНГ КЕЛДИ...

Наврўз тун билан кун тенг келган кундир. Бобокалонларимиз, айнан мана шу куни самовий жисмлар ҳаракатида улкан бурилиш ясалади, табиатда жонланиш юз беради, деб ўқтириб келишган. Замонавий илм-фан бу қарашлар, бу ҳаётий билим мукаммал даражадаги аниқликка эга эканлигидан ҳамон ҳайратга тушмоқда. Негаки, Наврўз билан боғлиқ қарашлар бу улуснинг қадимий билим, улкан ҳаётий тажрибаси эди. Биз Наврўзни қанча кўп ўргансак, унинг тарихи шунчалар теран эканини янада кўпроқ англаб бораверамиз.

Аллома Абу Райҳон Беруний «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» номли китобида Наврўзнинг моҳиятини бевосита табиат билан боғлайди ва бу ҳақида шундай ёзади: «...У бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча, ҳайвонларда насл вужудга келгунча давом этадиган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган».

Берунийдан ташқари, Маҳмуд Қошғарий, Умар Хайём каби алломалар ҳам Наврўз ҳақида қимматли маълумотлар қолдирганлар. Алишер Навоий ҳазратлари ўз асарларида: "Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз", деб бу кунни алоҳида ёд этган.

Наврўз билан боғлиқ қарашларнинг асл моҳиятида ўзи нима ётади, деган саволнинг туғилиши табиий. Унинг ибтидосида ёвузлик устидан эзгуликнинг, тун устидан куннинг, зулмат устидан ёруғликнинг тантанасини кўрамиз. Бу кураш Наврўз билан боғлиқ афсона, ривоят, қўшиқ, мақол ва айтимларнинг қат-қатида турли хил образларда, рамзларда муҳрланиб қолган.

Ўзбекистонимизда Наврўз миллий ўзликнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Мустақилликка эришилганидан кейин бошқа қадриятлар қатори Наврўз байрами ҳам қайта тикланди, у ҳозир умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Ҳар йили мамлакатимизнинг барча шаҳар ва кишлоқларида байрам сайллари, томошалар, байрам тадбирлари ўтказиляпти, хайрия ташкилотлари ёрдамида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олинмоқда, уларни байрам билан қутлаб, турли совғалар, хайр-эҳсонлар тақдим этилмоқда.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2010 йилнинг 28 февралида 21 мартни "Халқаро Наврўз куни" деб эътироф этиш ҳақида қарор қабул қилинган. БМТнинг маориф, фан ва маданият ташкилоти – ЮНЕСКО Наврўзни Инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритган.

Наврўз айёми халқимиз учун шарқона янги йилнинг бошланиши, энг қадимий, асл миллий, ардоқли байрамдир. Наврўз миллати, дини, ирқи, ижтимоий мақомидан қатъи назар, барча халқларга мансуб дунёпарвар инсонларнинг энг халқчил айёмига айланиб улгурган.

Лобар РЎЗИҚУЛОВА,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази етакчи мутахассиси

Ўзбекистон Бадиий академияси ва Бадиий ижодкорлар уюшмаси Ўзбекистон халқ устаси
Ниёзали ХОЛМАТОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Бадиий академияси ва Бадиий ижодкорлар уюшмаси Қорақалпоғистон санъат арбоби
Аллаберди ЭГАМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон санъат арбоби, Давлат мукофоти лауреати
Мақсуд ЮНУСОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI
Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

Ҳамкоримиз: Imzo akfa

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Рахматилла БЕРДИЕВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 5302. Буюртма Г - 355.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 00.05.
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 Санъат бўлими: 233-56-40 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.
ISSN 2181-6144